



ОБИДХОН ҚОРИГА ЎҚ ОТГАН ЁЛЛАНМА ҚОТИЛ ҚЎЛГА ОЛИНДИ



Швециянинг Стромсунд шаҳрида таниқли ўзбек имоми Обидхон қори Назаровни отганликда гумонланган шахс пайшанба кечқурун Россияда қўлга олинди.

Бу ҳақда 12 октябр куни аксар Швеция нашрлари хабар тарқатди.

Обидхон қорининг Швецияда яшаётган ўғли Довудхон жабрланувчи оиласига бу ҳақда маълумот берилганини билдирди.

Обидхон қори жонига қасд қилган шахс Швеция полицияси рўйхатида бўлган телефон апаратидан кўнғироқ қилганидан кейин, қаердалиги аниқланиб, Россия хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан ҳибсга олинган.

Обидхон қори Назаров жорий йил 22 февралда ўз уйи йўлагида намоз ўқиш учун масжидга кетаётган пайтда номаълум шахс томонидан отиб кетилган.

Таниқли имом шу кунга қадар Швециядаги касалхонада кома ҳолида ётибди.

УХХнинг Москвадаги манбасидан олинган сўнгги маълумотларга кўра, унинг расмий ҳужжатларидаги исми ҳақиқатан ҳам Юрий Жуковский. У Россияда яшовчи Ўзбекистон фуқароси.

Жуковскийга Обидхон Қори

Назаровни ўлдириш васифаси шахсан Каримовнинг буйруғи билан Ўзбекистон махфий хизматлари орқали топширилган. Қотиллик режаси бир неча ой давомида ишлаб чиқилган, Қори аканинг Швециядаги мазли ва ҳаракатланиши батафсил ўрганилган, ва 2012 йилнинг февралда режа амалга оширилган.

Бу қотиллик эвазига Жуковскийга Тошкентдаги бунортмачилар тарафидан \$100.000 пул ҳамда "ЖЕЕР" автомашинаси билан "тақдирланган". Суиқасдда унга шериклик қилган икки ўзбекистонлик Баҳодир Пўлатов ва Нодира Аминоваларга эса 50.000 доллардан берилган.

Швед суди икки шерикнинг бевосита иштирокини исботловчи ашёвий далилларнинг етарли бўлмагани боис уларни оқлаган эди.

Аммо бу билан қидирув ишлари тўхтатилмаган. Швеция ва Россия разведка хизматлари 6 ойдан ортиқ ҳамкорлигида Жуковскийнинг қаердалиги аниқланган ва пайшанба куни Москвада қўлга олинган.

Ҳозир Жуковскийни Стокгольм талаби бўйича Швецияга экстрадиция этиш масаласи кўрилмоқда.

ЎХХ хабар маркази

ЎЗБЕКЛАР БИРЛИГИ ЖАМИЯТИНИНГ МАТБУОТ БИЛДИРИШИ

Ислон халифаси Қонуний Султон Сулаймоннинг исми билан золим ва қотил диктаторни қўллаб қувватлашнинг ўзи ҳам золимлик ва айни пайтда санъатга ҳақоратдир. Чунки ҳақиқий санъатчилар инсон ҳуқуқларини ва эркинлик ҳаракатларини қўллаб қувватлайдилар, диктаторларни эмас.

(Давоми 2-Бетда)

YANGIDUNYO.COM ҲАҚИДА

Бу домен ўғирлангани йўқ, асл эгаси қайтиб олишга қарор берди ва қайтариб олди. Мен бу исмни 2007 йил февралда сотиб олганман ва Юсуфга сайт қуриб, боғлаб берганман. Домени сотиб олиш учун ундан пул олганим йўқ, кейин эса фойдалангани ва веб-хостинг учун йилига жузъий 50 доллар атрофида пул тўлаб турган.

(Давоми 2-Бетда)

К.ҚОДИРОВА ШИКОЯТИ

20.03.12 куни мен Ўртачирчиқ туманлараро фуқаролик судига О.Тошхонов ва Т.Хасановалар ўртасида тузилган 16.01.10 кунги уй-жойни олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво-аризам бўйича 23.05.12 кунги суд ажрими вилоят судининг 10.08.12 кунги ажрими билан бекор қилиниб, янгидан қуриш учун қайтарилган.

(Давоми: 3-Бетда)

СЎЗ ЭРКИНЛИГИ ТУҲМАТ ВА БҲҲТОН ТАРҚАТИШ ДЕГАНИМИ?!

Бугунги кунда нафақат ўзбек режими-га мансуб, балки умуман хориждаги Ўзбекистонликлар томонидан юритиладиган сайтларда ҳам ватанда кўзга кўринган таниқли шахсларга нисбатан "сўз эркинлиги" деган иборани рўқач қилиб турли туҳмат ва бҲҲТОНлар тарқатиш одатга айланди.

(Давоми: 3-Бетда)

УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: КАРИМОВ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА РОССИЯГА ҚАРШИ КОАЛИЦИЯ ТУЗМОҚЧИ (1)

11-Бетда ўқинг

ЎЗБЕКЛАР БИРЛИГИ ЖАМИЯТИНИНГ МАТБУОТ БИЛДИРИШИ



Қонуний диктатор Каримовни қўллаб қувватламайди Ўзбек диктатори ва унинг

Швеция ва Швецария давлатларида пул ўғирлигига иштирок этган кизи Гулноранинг жиноятларини унуттириш мақсадида ўтказаетган кино ва саънат маросимларига қатнашгани, бу билан бу аёлнинг жиноятларини хаспўшлагани, шунингдек Гулнора Каримованинг атир маҳсулотларини реклама қилишни ўз зиммасига олгани учун “Мухташам аср” асарининг сахна ўйинчиси Холит Ўзгенччи ўзбек халқидан узр сўрашга даъват қиламиз. Бу санъаткорни виждонларни яралайдиган бундай хатти ҳаракати учун айбдор, деб биламиз.

Ислом халифаси Қонуний Султон Сулаймоннинг исми билан золим ва қотил диктаторни қўллаб қувватлашнинг ўзи ҳам золимлик ва айни пайтда санъатга ҳақоратдир. Чунки ҳақиқий санъатчилар инсон ҳуқуқларини ва эркинлик ҳаракатларини қўллаб қувватлайдилар, диктаторларни эмас.

Ўзбек халқи мароқ билан томоша қилаётган “Мухташам аср” санъатчисининг Гулнора Каримова тайёрлаган атирларни реклама қилиши бу аёлнинг ғарб давлатлари банкларида ўғирлаган 320 миллион долларга тенг жиноятини унуттиришга бўлган уринишдан иборатдир.

Андижонда ўз халқини қатлиом қилган диктатор Каримов ва унинг ўзбек халқининг бойлигини ўғирлаган кизи инсониятга қарши жиноятчилар сифатида маҳкамага тортилиши керак.

Шунингдек, турк санъатчисининг

бу иши Қонунийга, ўзбек халқига ва санъатга ҳақоратдир. Бундай шармандалари ҳолат учун бутун мусулмонлардан ва турк халқидан ҳам узр сўралиши лозим.

Золимлар қаршисида эгилиш золимларга лаганбордорликдир, мухташам Султон Сулаймонга ва унинг невараларининг ахлоқига зид бир ишдир. Шунинг учун ҳам Холит Ўзгенччи бу шартномада олган пулларини ўзбек муҳожирлари ва қочоқлар фойдасига ишлатишга даъват қиламиз.

Одам Чевик

Ўзбеклар Бирлиги Жамиятининг

Раиси

9 октябрь 2012 йил

Тел: +905322033274

skype: Ozbeklerbirliqi

E mail: ozbeklerbirliqi@gmail.com

www.facebook.com/ozbeklerbirliqi/

www.twitter.com/ozbeklerbirliqi

www.ozbeklerbirliqi.org

Юсуф Расулов дод-вой солаётгандай бу домен ўғирлангани йўқ, асл эгаси қайтиб олишга қарор берди ва қайтариб олди.

Бу домен ўғирлангани йўқ, асл эгаси қайтиб олишга қарор берди ва қайтариб олди.

лида, бир кун бу доменни қайтариб олам, деб ҳеч ўйламагандим...)

Илгарилари бир неча марта ҳақоратли нарсалар қўйманг, деб айтганман, хафа бўлган жойларим ҳам бор, аммо, охиригиси ҳаммасидан ошиб тушди.

Солиҳ Ўзбекистон мустақиллиги учун майдонларда эди, элим деб, юртим деб жонини гаровга қўйиб, Совет империясининг кўзига тик қараб, миллат манфаатини ҳимоя қиларди.

Сиз кимсизки, бугун Муҳаммад Солиҳга баҳо берасиз, ҳақорат қилишга журъат этасиз??

У киши билан орамизда ғоявий фарқларимиз бўлса-да, қалбимизнинг тўрида Муҳаммад Солиҳнинг ўз ўрни бор, биз билган, ҳурмат қилган инсонни сиз ҳақорат қилсангиз, биз қараб ўтирамизми?

Албатта йўқ, шунинг учун ҳам биз – бир гуруҳ дўстлар биргаликда сизни, Юсуфбой, ўзингиз яшаётган мамлакат судига беришга қарор қилдик. Мен доменнинг эгаси сифатида, сизга инсонларни ҳақорат қилишга ваколат берганим йўқ...

Керакли ҳужжатлар таржима қилиниб, тайёрланмоқда. Бир ҳафтадан кейин очиқлик келтираётганимнинг сабаби ҳам шунда.

Бу нима дегани, биласизми? Сизга жуда катта миқдорда жарима солиниши мумкин, тўлай олмасангиз, ҳатто қамашлари мумкин... Бир умр журналистика билан шуғулланишга таъқиқ қўйилиши мумкин ва ҳоказо... Бизнинг Юсуф деган укамиз йўқ ортиқ... Аммо, юридик ишларни бошламасдан туриб, сизга (баъзи дўстларнинг ундови билан) бир имконият беришга келишдик:

Оммавий сайтлардан бирида Муҳаммад Солиҳдан узр сўрасангиз ва У Киши сизни кечирса, даъводан воз кечишимиз мумкин. У ҳолда, “жўра жовлиев” деган “Талант” билан шуғулланамиз. Бу орада, ўпкасини қўлтиқлаб югураётган акаларингизга айтиб қўйинг, ўпкасини босиб олсин. Бошқа барча ўқувчиларга ҳурмат билан,

Ф.Худойкулов yangidunyo.com

YANGIDUNYO.COM ҲАҚИДА



Мен бу исми 2007 йил февралда сотиб олганман ва Юсуфга сайт қуриб, боғлаб берганман. Доменни сотиб олиш учун ундан пул олганим йўқ, кейин эса фойдалангани ва веб-хостинг учун йилига жузъий 50 доллар атрофида пул тўлаб турган.

Сайтни қуриб бергандан кейин, ўнларча дафъа баъзан 2 соат, баъзан 10 соат, баъзан 2 кунлаб бу сайтни яхшилаш устида ўтирганман ва ҳеч нима таъма қилмаганман. Бизга ака деди, биз ҳам ука дедик, акалик қилдик, миллатимизга бераётган ёрдамимиз деб тушундик... Унинг “Фахриддин ака ўчириб қўярди” дегани нонқўрликдан бошқа нарса эмас. Виждонига ҳавола.

Энди мақсадга ўтаман:

Нега мен Юсуфдан “Янги Дунё”ни қайтариб олишга қарор қилдим? (Ас-

Бир мақола чоп қилмишлар, жўра жовлиевмиш “муаллиф”... “... акиллаб қолишга ўлгунингча пайт пойлайсан”, “сомонини кавшаб, бунча маъраяпсан”, “илон” сингари ўнларча ҳақоратлар, “бошингни мажақлаб ташлагим келади” деган террорчилик жумлалари бу пасткаш “мақола”нинг асосини ташкил этади. Бир одамзодга, сизга ҳеч ёмонлик қилмаган бир инсонга бу қадар ҳақорат қандай раво кўрилади? Сиз бу гапларни акангизга, укангизга, оилангизга, яқинларингизга раво кўрасизми???

Яна-да даҳшатлиси, бу ҳақоратлар Ўзбекнинг асл фарзанди, эл севган шоир, олижаноб бир инсон бўлган Муҳаммад Солиҳга қаратилган!

Сиз ҳали ноннинг отини тўғри айтолмайдиган даврларда Муҳаммад



ФУКАРОЛИК ИШЛАРИ БҮЙИЧА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ СУДИНИНГ РАИСИГА НУСХАСИ: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ПРОКУРОРИГА

Ўртачирчиқ туман, Пахтакор, Навруз махалласида яшовчи К.Қодировадан.

АПЕЛЛЯЦИЯ ШИКОЯТИ

20.03.12 куни мен Ўртачирчиқ туманларо фуқаролик судига О.Тошхонов ва Т.Хасановалар ўртасида тузилган 16.01.10 кунги уй-жойни олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво-аризам бўйича 23.05.12 кунги суд ажрими вилоят судининг 10.08.12 кунги ажрими билан бекор қилиниб, янгидан қуриш учун қайтарилган.

Ушбу иш туманларо судида янгидан кўрилиб, 5.10.12 куни иш кўришни тугатиш ҳақидаги ажрим билан яқунланди. Суднинг мазкур ажримдан қуйидаги асосларга кўра норозиман:

1. Туман ҳокимининг №272-сонли қарори, унга тегишли ҳужжатлар

К.ҚОДИРОВА ШИКОЯТИ

ва Кадастр хизматининг ТА-№0617422-сонли Гувоҳномаси, унга тегишли ҳужжатларнинг асл нусхалари судга тақдим этилмади ва муҳокама қилилмади.

2. Менинг 8.06.12 ва 17.09.12 кунги шикоятларим ва судда тақдим этган аризам судда умуман муҳокама қилилмади ва менинг уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқим ТИКЛАНМАДИ.

3. Суднинг ушбу ажрими ФПК нинг 1,4,5,6,7,10,12,15-моддалари 28-боби ва «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 2,6,7,9,66-моддалари талабларига зиддир.

4. Туман ҳокимининг 30.04.10. кунги №272-сонли қарори ФК нинг 488-моддаси талабига зид ҳолда, яъни уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати кўрсатилмаган. Ушбу қўлбола қарор асосида Кадастр хизматидан ТА-№0617422-сонли Гувоҳнома берилган. Демак О.Тошхонов томонидан уй-жойни сотиш шартномаси ҳам ФК нинг 479 ва 488-моддалари талабларига зид ҳолда тузилган, яъни О.Тошхонов уй-жойни сотиб олувчига МУЛК қилиб топшириши

лозим эди, лекин О.Тошхоновда уй-жойга мулк ҳуқуқи мавжуд эмас.

5. Ушбу конунбузарлик натижасида биз ўзимиз сотиб олган жойга ўзимиз иморат қуриб, 2007 йилдан бери яшаб келаётган уйимиздан фойдаланиш ҳуқуқимиздан маҳрум бўлганмиз.

6. Аслида туман ҳокимининг №272-сонли қарорининг қабул қилиниши ЖК нинг 14-моддасига асосан жиноят ҳисобланади. Демак жиноий ишлар бўйича судга тааллуқли бўлган жиноят иши туман фуқаролик судида кўрилган.

Юқоридагиларга асосан туман судининг 5.10.12 кунги ажрими бекор қилиб, туман ҳокимига нисбатан ФПК нинг 321-331-моддаларига асосан ЖК нинг 141,205,209-моддалари бўйича жиноий иш кўзғатиш ҳақида ажрим чиқариб, тааллуқлигига биноан ишни терговга юборишингизни сўрайман.

Тошкент вилоят прокурорига мазкур иш юзасидан тегишли қарорлар тайёрлаш учун юборилмоқда

ИЛОВА: 8.06.12 ва 17.09.12 кунги шикоятларим нусхалари.

Ҳурмат билан: **К.Қодирова**

Бугунги кунда нафақат ўзбек режимида мансуб, балки умуман хориждаги Ўзбекистонликлар томонидан юритиладиган сайтларда ҳам ватанда кўзга кўринган таниқли шахсларга нисбатан “сўз эркинлиги” деган иборани рўқач қилиб турли тўхмат ва бўҳтонлар тарқатиш одатга айланди.

Ўзбек режими гумашталари МХХ талаби билан диндорларга ва умуман режим муҳолифларига нисбатан турли туман сайтларда турли хил номларда ўзбек ва рус тилларида юзлаб мақолалар ёзиб, тарқатаётгани ва хатто кинолар суратга олиб кўрсатаётгани тушунарли нарса. Зулмга асосланган режим инсонийлик қиёфасини йўқотгандир.

Ўн минглаб фуқароларни тўхматлар билан террорист экстремист деган тамға босиб, кўп йилларга озодликдан маҳрум этаётгани ҳам бунга мисолдир.

Лекин турли сабаблар билан хорижга чиқиб олган ва ўзларини демократ ва журналист ҳисоблайдиган кимсаларнинг фаолияти ажабланирлидир. Улар ҳам фиску-фасод тарқатишда режим гумашталаридан асло қолишмайдиган кимсалардир.

Бу каби фиску-фасод тарқатиш ва ноҳақдан одамларнинг обрўсини тўқишга уринишдан иборат “журналистика” ўша кимсаларнинг маданий-маънавий савиясини кўрсатадиган ўзига хос бир мезондир.

Шу каби фиску-фасод тўхмат ва бўҳтон мақолаларни ёзиш билан

ўзларини “зиёли” ҳисоблайдиган кимсалар аслида миллатимизнинг ТАНАСИДАГИ ИЛЛАТЛАРДИР. Бу иллат катгайган сари шу каби бузқлик фиску-фасод авж олади. Ва бугун бунга гувоҳ бўлиб турибмиз.

СЎЗ ЭРКИНЛИГИ ТЎХМАТ ВА БЎҲТОН ТАРҚАТИШ ДЕГЕНИМИ?!

Мен кўплаб жиноят олами катталарини биламан. Ишлари жиноят бўлса-да, гапирганда фақат рост гапиршади. Мутлақо ёлғон гап бўлмади. Чунки, улар учун ёлғон гапиршиш ва ўз сўзини исботлай олмаслик ҳаётини синдирадиган катта “гуноҳдир”.

Ўзини зиёли санайдиганлардан кўра улар анча ҳақиқатгўйдирлар. Динимизда ҳам бундай ёлғон гапиршиш ва тўхмат қилиш кабира гуноҳ ҳисобланади.

Пайғамбар а.с. “Сизларга катта гуноҳларнинг каттарогини хабарини берайми?” дедилар.

“Айтинг! Ё расулulloҳ”, дедик.

“Аллоҳга ширк келтириши, ота-онага оқ бўлиши, ва ёнбошлаб ётган эдилар, ўтириб олдилар ва “Огоҳ бўлинг, ёлғон гувоҳлик бериши ва ёлғон гапиршиш” деб шунчалик кўп тақрорладиларки, ҳатто биз қошки эди, жим бўлсалар эди, дедик.

Бошқа бир ҳадисда Пайғамбар а.с.: **“Муслмон кишини сўқши фосиқлик ва уни ўлдирши куфрдир” деганлар.**

Бошқа бир ҳадисда Пайғамбар а.с. айтдилар: **“Муслмон кишининг номуси(га тил ёки қўл узатиш) гуноҳи кабирадир”.** (Абу Довуд ривояти).

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинди: **Пайғамбар а.с. айтдилар: “Бир муслмоннинг ноҳақдан обрўсини тўқиши кабира гуноҳдир” дедилар.**

Шунингдек, барча давлатларнинг қонунлари бунақа “Ифво тарқатадиган журналистикани” қоралайди. Ва бунақаларга турли хил жазолар белги-ланган.

Афсуски, биз хориждаги ўзбеклар бу масалада бошқа халқларга қараганда анча савияси паст халқмиз. Бошқа миллатлар орасида бунақа бир-бирларига фиску-фасод тарқатиб юрадиган кимсалар йўқ ҳисоб. Ўша кимсаларнинг қайси бир сайтларига кирманг, таъбингиз бузилиб чиқасиз. Ифвонинг уяси бўлган кимсаларга ҳайрон қоласиз. Буларнинг иши кечаю-кундуз шунақа беъмани нарсаларни ўйлаб топиб ёзишдан нима манфаат бор экан, деб ҳайрон бўласиз. Дину-дунёсига бефойда нарсаларни, худди ойлик олиб ишлаётган одамлар каби тўқиб ёзаётганлари хайратланарлидир.

Шунақа нарсалар билан, балки, ўша пасткаш кимсалар “ором” олсалар ажабмас. Аллоҳ шунақалардан қилиб қўямасин! Бунақаларни миллатимиз ичида ҳам уруғини қуритсин! Омин.

М.Абутов

Мен Ўзбекистоннинг оддий фукаросиман. Олий маълумотлиман, уйланганман, бола чакам бор. Отанам ўн фарзандини, яъни бизларни мўмин-мусулмон қилиб тарбиялаган. Шунинг учун ҳам болалагимдан нима ҳалол, нима ҳаром эканлигини билганман. Отам менга ҳеч бир шароитда ёлғон гапирмайсан, дея таълим берган. Мен отамнинг мана шу ўғитига доимо амал қилиб келаяпман.



МЕН ДИКТАТОР КАРИМОВГА ҚАРШИ НИМА ҚИЛДИМ?

Мактабни битиргандан кейин хорижда исломий олийгоҳда, уни битиргандан кейин ўзимизда университетда таҳсил олдим. Яна отамнинг насиҳатига амал қилиб, диний ишлар билан эмас, дунёвий ишлар билан шуғулландим. Зеро, ҳозир Ўзбекистонда диний ишлар билан шуғулланишнинг ўта таҳликали эканини ҳамма билади. Шунинг учун ҳам Тошкент вилоятига қарашли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотадиган ширкатда бўлим ёрдамчиси бўлиб ишладим. Бу ерда ҳам диний тарбия кўрганимни, намоз ўқишимни ҳеч кимга билдирганим йўқ. Хонамни ичкаридан қулфлаб намоз ўқиб юрдим. Болаларимни ҳам мадраса ёки хужрага бермадим. Уларга хотиним билан ўзимиз уйда диний тарбия ва таълим бердик...

Менинг бир дўстим бор эди. У ҳам олий маълумотли ҳамда имонли йигит эди. Шу дўстим бир куни уйда ўзига ўхшаган намозхон биродарларга бир зиёфат берган экан. Унда тахминан ўн беш киши қатнашган. Орадан икки ҳафтача вақт ўтиб, бу зиёфатга қатнашганларнинг барчаси қамокқа олинди. Зиёфат иштирокчиларидан бири милицияда уй эгасини ва меҳмонларнинг барчасини ҳукуматга қарши гапирганликда айблаб, гувоҳлик берибди. Қизиғи шундаки, бундай кўрсатма берган одамнинг ўзи ҳам диний таълим олган ва кейинчалик маълум бўлишича мансаб илинжида ўз “биродарларини” “сотган” экан. Эвазига бир мансабга ярим йилча эга бўлиб, кейин ишдан ҳайдалди...

Ўша оғайним қамокдан менга оиласи орқали “тезда Ўзбекистондан чиқиб кетсин”, дея хабар юборди. Чунки орган ходимлари унинг бутун таниш-билишларини назорат остига ола бошлаган экан. Шу тарзда мен зудлик билан хорижга, яъни ўзим таҳсил олган давлатга бола-чакам билан чиқиб кетишга мажбур бўлдим...

Мен диктатор Каримовга қарши нима қилдим?

Ҳозир бу ерда, ота-онамдан, ака-

укаларимдан, опа-сингилларимдан, қариндош-уруғларимдан, ватанимдан узоқда ўзимга-ўзим шу саволни бермоқдаман.

Мен динни, имонни ўрганган, яшаган ҳолда ўзимга бурч бўлган инсонларни орасида динни ёйиш ишига қатнашмадим, бирор жамоатга аъзо бўлмадим. Чунки ҳозир юқорида айтганим каби, Ўзбекистонда диний маърифат ишларида иштирок этиш ниҳоятда хавфли. Фақат ҳукуматнинг айтганини қиладиган имомларгина дин ишларида қатнашишлари мумкин. Бунинг шарты эса, имонини бузиб ёлғон гапириш, бир бирининг орқасидан жосуслик қилиш каби амалларни бажаришдир. Бу шаклда динга “хизмат” қилгандан кўра қилмаган албатта яхшидир.

Президент Каримовнинг диктаторлигини, Франция маҳкамаси уни “диктатор”, дея эълон қилганини хорижда ўргандим. Чунки хорижда интернетга киришда муаммо йўқ, Ўзбекистонда эса бундай ҳақиқатни ўрганишнинг имкони йўқ. Ватанимиздаги ҳозирги аҳволга маймунлар йиғлайди, десам ҳақиқатни айтган бўламан. Чунки инсонларнинг бир дарди бор: у ҳам бўлса қорин тўйдириш, пул топиш. Инсонлар бунинг учун бир бирларининг гўштини ейишга ҳам, яъни бир бирларининг молини ўғирлаш, тухмат қилиш, ёлғон гапиришга ҳозирнозирдирлар.

Диктатор Каримов эришган энг катта ютук ўзбек халқининг ёлпасига арокхўр бўлганидир. Мен маълумлотли киши бўлганим учун интернетдан қарадим: ҳозирги кунда эски Сосет Иттифоқи жумҳуриятлари ичида арок энг арзон сотиладиган давлат Ўзбекистон экан. Менинг фикримча, ҳукумат халқ сиёсий ишларга аралашмасин, дея атайин ароқнинг нарҳини арзон қилиб қўйган. Энг ёмон томони, аёллар орасида арок ичадиганларнинг сони ортиб бораётганидир. Шаҳарларда автобусларга чиксангиз, эркакларнинг оғзидан

гуп этиб ароқ ҳиди келади. Бозорчи аёллар орасида ҳам тушлик вақти “қиттак қиттак” қилиб олиш одати ёйилиб бормоқда...

Менинг оддий ўзбек фукароси сифатида фикрим шу: диктатор Каримов бизнинг халқнинг фарзанди эмас. У ўзбек ҳам эмас, мусулмон ҳам эмас. У билган ҳолда халқимизга мана шундай ёмонликларни қилмоқда, деб ўйлайман...

Бизнинг ҳозирги сиёсий ва маъ-

навий инкироздан чиқишимиз жуда қийин бўлса керак. Чунки, айтганим каби, диктатор Каримов атайин халқни оч тутиш ва уни маънавий жиҳатдан ўлдирish сиёсатини олиб бормоқда. Инсонларимизнинг дунёда бўлаётган ўзгаришлардан хабари йўқ...

Хабари бўлса ҳам, тескари шаклда айтилади уларга дунё хабарлари. Масалан, араб баҳори диктатор Каримовга кўра “халқларнинг диктатуралардан қутулиш ҳаракатлари эмас, бу фитнадир”. Ҳозир имонини сотган имомлар ўлиб-тирилиб Ўзбекистон диктаторининг бу “пропагандасини” халққа тушунтириш билан машғуллар. Халқнинг эса на дин на да сиёсат билан шуғулланишга мажолли бор. Инсонларга “дин” десангиз дарров ақлларига диктатор Каримовнинг хоин имомлари ёки УЙХнинг жанглари келади. Яъни, дин мавзуси афсуски инсонларимизда “аллергия” уйғотади...

Бундай вазиятда менимча сиёсий мухолифатни, яъни ҳуррият, эркинлик, адолат шиорларига кўпроқ аҳамият бериши керак. Ҳамда озгина эркинлик бўлган жойларда иқтисоднинг ҳам, маънавиятнинг ҳам олдинга кетиши таъкидланиши керак. Масалан, Қирғизистон, Тожикистон, Қозоғистондаги аҳвол аъло бўлмаса ҳам, биздагидан яхши. Бу кўшни давлатларда инсонларнинг чўнтагида пули бор, шунинг учун ҳам уларнинг ҳаёт ҳақида ўйлаб кўришларига, ўзларининг ахлоқини тузатишларига имконлари бор...

Худо билади, мен диктатор Каримовга қарши ҳеч қандай амалий иш қилмагандирман. Аммо унинг сиёсатидан норозиман, чунки бу сиёсатдан мен ҳам жабр кўрдим. Мен эмас бутун ўзбек халқи бу диктатордан зулм кўрди. Шундай экан, бу зулмдан қутулиш ҳақида ўйлаш ва бу йўлда ҳаракат қилиш ҳаммамизнинг вазифамиз бўлиши керак...

Хусанжон
Тошкент вилояти

Ўзбекистон! Бу мамлакатни кимлар нима деб атамади? Энг сўнгиси – уни “Корруптистон” деганлари бўлди. Сабабки, мамлакат бутунлигича, яъни юз фоиз коррупциялашган ва унда биров ҳақиқат излаши мутлоқ кераксиз бир фаолиятдир. Бугунги Ўзбекистонда ҳақиқатни одамлар бир хилда тушунадиган бўлиб қолишган: “кимнинг пули кўп бўлса ҳақиқат ўшанда!” Бошқача қилиб айтганда, “оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг боласи гапирсин”.

лаб бера олмагани бўлди. Бундай манзара Швецияда кузатилиниши мумкин, лекин асло Ўзбекистонда эмас!

Энди Қаршида бораётган ишга қайтсак. Гулшан Қораевага нисбатан очилган жиноят иши унинг 27 август кунда тарқатган бир мақоласи асосига қурилган. Тергов томони даъвосига кўра, хабарда Гулшан қўшни аёллар, она-бола Ойдин Ортиқова ва Барно Адамбоеваларни “фоҳиша” деб атаган. Терговчи Илҳом Шералиев 2012

июль кунда Қораевларнинг қўшниси бўлган Ойдин Ортиқова ва унинг қизи Барно Адамбоевалар орасида бўлиб ўтган жанжалда Қораевлар айбдор бўлиб чиқишмоқда. Ўша кун иш бўшимчалик билан дарахт кесган икки аёлнинг даъвоси бўйича, уларнинг бири тилла сирғасини, иккинчиси қимматбаҳо мобил телефонини “йўқотиб қўйган”.

Албатта бу куруқ тухматдан иборат бўлган жанжал аслида милиция томо-

КОРРУПЦИОН РЕЖИМ ҚАРШИДА ҚОРАЕВЛАРГА ҚАРШИ

Бир неча ойдирки, Қарши шаҳрида менинг яқинларим, синглим Гулшан ва укам Санжарга нисбатан таъкиблар бўлаётганлиги ҳақида хабарлар тарқалаёпти. Бу хабарларни асосан синглим Гулшан тарқатмоқда. Унинг асосий айби эса, Ўзбекистон МХХ Қашқадарё вилоят бошқармаси билан ҳамкорлик қилишни рад этганлиги бўлди. Албатта МХХ бунақа “сурбетларни” хуш кўрмайди ва имкон қадар, уларни турмаларда чиритишга интилади. Лекин МХХ укам Санжарга бунақа таклифни қилмаган ва нима учун уни ҳам таъкибга олинганлиги каминанинг ва Гулшаннинг фаолияти билан боғлиқ. Ўзбекистонда хориждаги режим муҳолифларининг яқинлари гаровда сақланаётгани ҳам кўпчиликга тушунарлик бўлса керак.

Қарши шаҳар ИИБ терговчиси Илҳом Шералиев шу кунларда қўли қўлига тегмай очган жиноят ишини тугаллашга уринаёпти. 1967 йилда туғилган укам Санжар Қораев ЎЖК 109 моддаси билан, 1978 йилда туғилган синглим Гулшан Қораева ЎЖК нинг 139 ва 140 моддалари билан айбли топилиб, судда уларнинг айблари тасдиқланиши керак.

Ўзбекистон судларида эса бирор иш бўйича оқлов ҳукми чиқарилмаган ва келгусида ҳам чиқарилмайди. Ҳар неки, токи ҳозирги режим иқтидорда экан, бундай “кўргулик” содир бўлмаслигига ишончимиз комил! Бордию судьялар бирор иш юзасидан иккиланайш билдиргудек бўлишса, терговчилар улар томон югуриб қолади. Совға салом қилиб бўлсада, ишни ўзининг фойдасига тўғирлаб олишга эришишади. Чунки бу бизнинг “ҳақиқат” ва бу бизнинг адолати синган Ўзбекистонимиздир. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, ахир коррупция Ўзбекистон учун нормал ҳолат!

Масалан, шу йилнинг февраль ойида Швецияда яшаб келаётган ўзбек имоми Обид қорига нисбатан суикасд уюштирилди. Гарчи суикасд иштирокчиси топилмаган бўлсада, унга яқиндан кўмак берган эр-хотин Боҳодир Пўлатов ва Нодира Аминовалар ҳибсга олинди. Суд эса уларни озод қилиб юборди. Бунинг боиси, судланувчилар ўзларининг ёлгон кўрсатмаларида маҳкам туришгани ва айблов томони эса уларнинг сўзларининг ёлгон эканлигини асос-

йилнинг 5 сентябрь кунда “google.co.uz” кидирув порталида Гулшан Қорева деб ёзган ва унинг 27 август кунда тарқатган “Қачон терговчилар окни қордан ажратишни ўрганишади” деб номланган мақоласига кўзи тушганлигини келтирган. Гарчи, бу мақола юзасидан биров жабрланганлигини кўрсатиб арз қилмаган бўлсада, у жиноят ишини очди. Терговчининг айблов хулосасида ёзганига кўра, мақолада қуйидаги жумлалар бўлган:

«Сизнинг қўл остингиздаги қонун посбонлари ардоқлаётган она-бола “жабрланувчилар аслида бошқаларга жабр етказувчи фоҳишалардир», – деб ёзилганлиги аниқланди» – дея иддао қилади у.

Аслида у эса бу мақоладаги айни жумлалар мана бу шаклда битилган: **“Сизнинг қўл остингиздаги қонун посбонлари ардоқлаётган она-бола “жабрланувчилар” аслида бошқаларга жабр етказувчилардир”**.

Хўш, Шералиев ўзининг бу “тадқиқотини” хужжатлаштириб қўйганмиди? Йўқ! Негаки, тухматни хужжатлаштиришнинг мутлоқ имкони йўқ. Бу мақола 27 август кундан Ўзбекистон Инсон Ҳуқуқлари Жамиятининг веб саҳифасида турибди (<http://uz.hrsu.org/archives/4102>) ва унга бирор ўзгартириш киритилмаган. Бундан ташқари, у юзлаб, балки минглаб электрон почталарга тарқатилган ва тагин бир қанча сайтларга ҳам қўйилган. Демак уни ўзгартириб қўйиш мутлоқ имконсиз! Нега Шералиев даъвосига асос келтира олмаяпти? Чунки асоснинг ўзи йўқ! Бироқ кўзланган мақсад бор: тухмат қилиб бўлсада, ҳукуматга ёқмаётган кимсаларни жазога тортиш! Ўзбекистонда жиноятчилар эмас, аксинча, жиноят қилмайдиганлар ва жиноятга қарши курашадиганлар жазоланади!

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, бу бизнинг Ўзбекистон экан, унда адолат, ҳақиқат изламоқлик зим – зиё қоронғу хонада қора мушукни излаш билан баробар. Ҳаттоки ўша қора мушук ўша қоронғу хонада бўлмаса ҳам.

12 октябрь кунда Қарши шаҳар ИИБ Санжар Қоравени, уни оиласи бўлган Зилола Пўлатовани, уларнинг ўғли Барҳаёт Қораев, ҳамда воқеа гувоҳи бўлган қўшни аёл Ўғилой Ёқубоваларни сўроқ қилди. Эслатиб ўтадиган бўлсак, шу йилнинг 19

нидан режалаштирилиб қилинганга энди бирор шубҳа йўқ ва табиийки, милиция ҳам ўз ишини удалаяпти!

Қаршидан келаётган хабарларга кўра, Илҳом Шералиев терговда воқеа гувоҳи бўлган Ўғилой Ёқубованинг гувоҳлик кўргазмасини ҳаттоки жиноят ишига ҳам киритмабди. Яъни унинг ҳеч қандай тилла сирғаям, мобил телефон ҳам бўлмаганлигини таъкидлагани “ёзилмай” қолибди. Балки терговчи эшитмагандир, балки ёзишни “унутгандир”. Боз устига, бир томонлама бораётган бу тергов ишида Санжар Қораев ва Зилола Пўлатоваларнинг ҳам айтганлари бузиб талқин қилинмоқда экан.

Бунда О.Ортиқованинг Гулшаннинг уйига кириб тўпаланг қилгани, касалхонага бориб жанжал кўтаргани, “халқ душмани”, “ватан хоини” дея қилган ҳақоратлари кирмай қолмоқда.

Гулшан ва Санжарга нисбатан иш очган Қарши шаҳар ИИБ албатта бу ишни “енгиб чиқади”, аммо бошқа бир масалада улар энгилишади: Ўзбекистонда судида яна икки ноҳақ айблов бўйича суд жараёни ўтганлиги дунё жамоатчилигига аён бўлади. Бундан Ўзбекистон ҳуқуқ “посбонлари” кўрқиб қолаётганлари ҳам йўқ. Шармандага шаҳар кенг деганларидек, бунданда йирик қонунбузарликлар уларга чивин чаққанчалик таъсир қилмаганми, буниси ҳам таъсир қилмайди.

Бир куни келиб улар ҳам кўрқиб қолишади албатта. Қачонки Ўзбекистонга қиличини ялонғочлаб ҳақиқат кириб келса. Унда ҳукуматда турган Каримов Саудия, АҚШ, ёки Исроилдан бошпана олиб кетган бўлади. Халқ билан бугунги окни қора, қора оқ дегувчи судьялар, прокурорлар ва терговчилар қолади. Шу халқ уларни кафанлаб кўмадиган, шу халқ уларнинг тўйларидан хизмат қиладиган. Лекин улар ҳозир буни идрок эта олишмайди. У кунлар келгунингача қанчалардир вақт бордир, унганча ҳали қанчадан қанча бегуноҳлар қамоларда чирийди, тагин қанчаси қайнаб турган қозонларга ташланади. Бугун эса режим Қораевлар оиласига қарши курашмоқда! Билиб қўйинг режим гунаҳлари, Қораевларни синдириш мумкин, қамоларда чиритиш мумкин, ҳаттоки ўлдириш мумкиндир, лекин энгиб бўлмайди!

Тўлқин Қораев

КАРИМОВ МИЛИЦИЯСИ 96 Ёшли момони қўлга олдилар

Оиласига нисбатан босимларга норозилик билдириб Қашқадарё вилоят ҳокимлиги биноси олдида пикет қилиш учун шанба куни эрталаб йўлга чиққан 96 яшар Биби-сулв Алимардоновани ҳуқуқ фаоли бўлган набираси Гулшан Қораева билан бирга милиция ходимлари олиб кетиб қолишган.

Бу ҳақда Биби-сулв момонинг ўртанча набираси Санжар Қораев Озодлик радиосига маълум қилди.

–Бугун эрталаб момом ва синглим Гулшан Қораева ҳокимият биноси олдида пикет қилишга кетишганди. Сал вақт ўтиб Гулшан шаҳар РОВДсига олиб кетишаётганини бизга телефонда айтди. Ҳозир Синглимининг ҳам момонинг ҳам телефони ўчирилган, – деди 45 яшар Санжар Қораев. Қаршилик 35 яшар ҳуқуқ фаоли Гулшан Қораева сентябр ойида “тўхмат” айбловлари билан милицияга чақиртирилган ва сўроқ қилиниб, шаҳардан

чиқиб кетмаслик шarti билан қўйиб юборилганди.

Ҳуқуқ фаоли Қораева икки аёлга тўхмат қилганликда айбланмоқда, уни ўзи буни рад этади.

Қашқадарёлик фаоли ўзига нисбатан тазйиқлар жорий йилнинг май ойидан бошлангани ва босимлар ҳуқуқ ҳимоячиси сифатидаги фаолияти билан боғлиқлигини айтиб келади.

Қораеванинг иддаосича, 5 май куни Миллий Хавфсизлик Хизматида жосуслик қилишга рози бўлмагани ҳақида мақола эълон қилиши ортидан, кўчада унга қатор ҳужумлар ва таҳдидлар қилинган.

Бундан ташқари унинг уйи деворига номақбул сўзлар ёзилиб, уятсиз суратлар чизиб кетилгани ҳақида ҳам хабар қилинганди.

Гулшан Қораеванинг ўзи ва оиласига нисбатан босимлар ўшандан бери тўхтамагани, ҳозирги иш эса, унга қарши кампаниянинг бир қисми экана



нига ишонишини айтади.

–96 яшар момони уйига ҳам ҳар хил одамлар бостириб келишиб, қизинг фалон, деган ҳақоратли гапларни айтиб кетишавергач, бу ноҳақликларга қарши момом адолат истаб ҳокимлик биносига кетганди, ҳозир ҳам бедарак, – дейди Санжар Қораев.

Аммо, Қарши шаҳар Ички ишлар бошқармаси ходимлари бунақа исмли шахслар бугун милиция бўлимига олиб келинмаганини айтишди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи Хьюман Райтс Уотч ташкилоти Ўзбекистон ҳукуматини Гулшан Қораева билан боғлиқ ҳолатга бефарқ қарамасликка чақирганди.

КЕЛ, БУГУН ЁНИМДА БЎЛ!

Ўзбегим, мен дил эрурман, қон каби жонимда бўл, Кипригингман, менга энди кўз бўлиб, онимда бўл. Офитобнинг заррасидек байти девонимда бўл, Душманам жонин оларга сафда, майдонимда бўл, Ўзбегимсан, тожигингман, кел, бугун ёнимда бўл.

Кўп замонлар қисматимиз хўрлиги шўрлик эди, Ноодам келгиндиларнинг қилмиши зўрлик эди. Сохта меҳрига учиб, бечора халқ кўрлик эди, Юзда шона, тагда фона, асли нонкўрлик эди, Ўзбегимсан, тожигингман, кел, бугун ёнимда бўл.

Юртимизнинг тинчлигин Аллоҳ нигоҳи сақлаган, Меҳримизни Ҳазрати Нухнинг гиёҳи сақлаган. Дилдаги дарду аламини ғамли охи сақлаган, Оли Сомон иқтидорин Тур сипоҳи сақлаган, Ўзбегимсан, тожигингман, кел, бугун ёнимда бўл.

Бизни ажратмоқчидур шайтон сабил дилкоралар, Бир биримизни кўролмайд бўлди кўр наззоралар. Жонга тегди айрилиқ, тоқайгача бизни поралар, Ўртамизда қайгача шайтон сабиллар оралар? Ўзбегимсан, тожигингман, кел, бугун ёнимда бўл.

Сохта обру истар ул ғарзодалар қон ўрнига, Жонин омон сақламоқчи жон олиб жон ўрнига. Зоти шайтонни кўпайтирмақчи инсон ўрнига, Токи домга тушмасак қопқондаги дон ўрнига, Ўзбегимсан, тожигингман, кел, бугун ёнимда бўл.

Ўзбегим, тожик билан бирликдадир асли нажот, Бирга борсақ иккимиз бирлик сари айлаб сабот. Иккимизга ўзга йўл йўқ, ё ҳаётдир ё мамот, Токи бирлик йўқ экан, йўқдир нажот, йўқдир Ҳаёт, Ўзбегимсан, тожигингман, кел, бугун ёнимда бўл.

Ҳаёт Неймат Самарқандий

ҚУРЪОННИ ЁҚҚАН ПАСТОР ТЕРРИ ЖОНС КАНАДАГА КИРОЛМАДИ

Қуръони Каримни ёқиш билан ном чиқарган Америкалик пастор Терри Жонс Канадага киритилмади. Бу ҳақда ИТАР-ТАСС хабар тарқатди. У Канаданинг Онтарио вилоятига қарашли Виндзор чегара ўтиш пунктида Канадалик чегарачилар томонидан тўхтатилган.

Аввалига унинг автомобилини диққат билан текшириб чиққан чегарачилар, пасторнинг ўзи билан давомли равишда суҳбатлашганлар.

Шундан сўнг Канада давлатининг чегара хизмати ходимлари, уни мамлакатга киритмасдан ортга қайтаришган.

Канаданинг Иммиграция ва фуқаролик ишлари бўйича Вазирлиги, мамлакат чегара хизмати ходимлари ўз ваколатлари доирасида ҳаракат қилганларини тасдиқладилар.

Флориданинг Грейсвилл шаҳрида яшовчи пастор Терри Жонс, Қуръонни бир неча марта намойишкорона оловда ёққан эди. Айниқса, унинг 2011 йилнинг март ойидаги Қуръонни таҳқирлаши мусулмон оламини қаттиқ жунбушга келтирганди.

Ўшанда Афғонистоннинг ўзида 100 дан ортиқ одам, жум-

ладан, Мозори Шарифда жойлашган БМТ миссиясининг 8 нафар ходими ҳам ўлдирилганди.

Шу йилнинг апрел ойи сўнгиди Джонс ўзи яшаётган шаҳарда, Қуръоннинг бир неча нусхасини ва пайғамбар Мухаммад алайҳиссаломнинг тасвири дейилаётган расмларни оловга отди. Махаллий полиция ўшанда унга 271 доллар миқдориди жарима солган, бироқ бу унинг диний нифоқ солиш йўлидаги ҳаттиҳаракати учун эмас, белгиланмаган жойда олов ёққани учун солинган штраф эди.

Америкада чоп этиладиган The Atlantic журнаliga кўра, пастор, мусулмон оламини ғазаб отига миндирган, Мухаммад пайғамбарни ҳақоратловчи «Мусулмонлар гуноҳсизлиги» фильмининг продюсерларидан бири.

Олинган хабарларга қараганда, пастор Терри Жонс, 12 октябр куни Торонто шаҳрида ўтказилиши мўлжалланган «Мусулмонлар гуноҳсизлиги» фильмининг муҳокамасига келаётган бўлган.

Ўтган ойда у Германияга келмоқчи бўлган, бироқ, Германия унга виза бермаган эди.

Улуғбек Ҳайдаров таёрлади



ҒАРБ ТАФАККУРИНИНГ ҚАТТИҚ ҚОБИҒИ

Инсоният, ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам, жамиятда адолатни излаб яшаган. Бугун Ўзбекистонда, тенгсизлик ва амалдорларнинг алдови ҳукм сураётгани бир пайтда, унинг фуқаролари сукут сақлаптилар. Чунки, халқ диктатура режимида яшайпти ва яшаб ўрганган. Биз, етмиш йилдир-ки коммунистлар алдовида, мана 23 йилдирки, Каримов алдовида яшаймиз. Жамиятда сўз ва фикр эркинликлари йўқлиги туфайли, мамлакат ривожланмапти.

Халқ, шу даврлар мобайинида, давлат арбоблари олдида, ўз муаммолари ечимини талаб қилиб чиққан эмас. Қадимдан, тарих шуни кўсатаяптики, жамият қиёфасини, фақат у ёки бу дин мафкураси ўзгартирган. Динга асосланмаган мафкура, жамиятни пароканда қилади, мамлакат ресурсларини бир шахсга ва жамиятнинг бир қатламга хизмат қилдиради. Худосиз ҳукмдор, ўзини худо ўрнида тутиб, халқни алдайди ва ҳукмронлик қилади.

Бугунги кунда бунга мисоллар жуда кўп. Диктаторлик усуллари билан бошқарилаётган, айниқса постсовет худудидаги давлатларида, аҳолининг иқтисодий ва ижтимоий аҳволлари танг ҳолатдадир ва жамиятда ривожланиш йўқ. Конкрет ҳаётини фалсафага асосланиб бошқарилаётган мамлакатларда, бошқарув амаллари у ёки бу миқдорда жамият ривожига таъсир кўрсатаяпти.

Бунга, бугунги Хитой ривожланиш модели далилдир. Бизнинг мамлакатимиздаги диктатура ўзига хослиги ва ўзига мослиги билан дунёга машҳур. Яъни, давлат бир кишининг истак ва ҳоҳишлари билан бошқарилмоқда. Бошқарувнинг бундай диктаторлик системасида, ҳеч қандай реформа, давлат иқтисодига ва сиёсатига таъсир қила олмайди. Режим тугатилсагина, реформа тўғрисида ёки ривожланиш тўғрисида гап юритиш мумкин.

Милоднинг 400-чи йилларида Рим империяси 1000 йил умр кўриб, ўз жамиятининг маънавий тушкунлигидан қулади.

(Давоми: 10-Бетда)

TELIASONERA РАҲБАРИ 'ЭРТАРОҚ ИСТЕЪФОГА КЕТИШГА МАЖБУР'

Швед мабуотига кўра, Ўзбекистондаги лицензияси учун пора бергани ҳақидаги иттиҳолар ортдан Teliasonera ижрочи директори Ларс Найберг эртароқ истеъфога кетиши мумкин.

Инглиз тилидаги The Local янгиликлар вебсаҳифасининг ёзишича, Ўзбекистондаги Ucell мобил алоқа ширкатининг эгаси бўлган Teliasonera аллақачон ўзига янги ижрочи директор қидира бошлаган.

«Найберг 2013 йил охирида лавозимни тарк этиши керак эди, ammo афтидан у фин-швед телеком ширкатидан аввалроқ кетади», деб ёзади вебсаҳифа.

Швед нашрига кўра, Найбергнинг лавозимдан кетиши Teliasoneraнинг Ўзбекистон ва Беларусдаги «диктаторликлар билан бизнес келишувлари ҳамда қатор порахўрлик можаролари туфайли тезлашган».

Швецияда чиқадиган Dagens Nyheter рўзномасининг маълумотича, Teliasonera Найбергнинг ўрнига одам топишда ёрдам сўраб, Оврўпонинг энг йирик ширкатларидан бирига мурожаат этган.

Ўтган ҳафта Швеция Молия вазири Питер Норман Teliasonera директорлар кенгаши таркибига ўзгартиришлар киритишни талаб қилган.

Швед вазирининг айтишича, Teliasoneraнинг энг кўп хиссаларига эга бўлган швед ҳукумати кенгаши аъзолари орасида инсон ҳуқуқлари соҳасида тажрибали шахсларни кўришни истади.

Пул ювиш иттиҳолари ўтган ой Швециянинг Жамоатчилик телевидениеси - SVT Teliasonera Ўзбекистондаги лицензияси учун пул тўлаган Takilant Ltd ширкати раҳбари Ўзбекистон Президентининг тўғрич

қизи Гулнора Каримовага яқин шахс экани айтилган филми намойиш этган эди.

Teliasonera бу тўловнинг қонуний бўлганини айтган ва Ўзбекистондаги бизнесини ҳимоя қилган.

Ширкатнинг айтишича, Ўзбекистон ҳукумати телеком лицензиясини Гибралтарда рўйхатдан ўтган Takilant Ltd га сотган, Teliasonera эса лицензия ва телефон рақамларини Takilant дан сотиб олган.

Швед журналистлари Takilant га берилган бир неча юз миллион доллар маблағларнинг ҳеч қаерда қайд этилмаганини айтишган ва бу пуллар пировардида Президент Каримов оиласининг чўнтагига бориб тушган бўлиши мумкин, деган фаразни илгари сурганлар.

Швеция прокуратураси Teliasonera нинг Ўзбекистондаги фаолияти юзасидан текширув бошлаган.

Жаноб Найберг Teliasonera порахўрлик иттиҳолари юзасидан текширувда тўла ҳамкорлик қилишини айтиб, даъволар исботлангани тақдирда истеъфога кетишини билдирган.

Teliasonera 2007 йили Ўзбекистонга сармоя киритиш жараёни юзасидан текширув ўтказиш учун Швециядаги нуфузли Mannheim Swartling юридик ширкати билан

Mannheimer Swartling ширкати 5 йил муқаддам Teliasonera Гибралтарда рўйхатдан ўтган ширкатдан 3G мобил алоқа хизмати кўрсатиш учун лицензия сотиб олаётган ва Ўзбекистонга сармоя киритаётган пайти коррупция ва ё пул ювиш билан боғлиқ амалларига қўл урганми ё-да, йўқлигини ўрнади.

Текширув натижалари кенг жамоатчиликка ошкор этилиши кутилмоқда.

БРИТАНИЯДА ҚИРҒИЗИСТОННИНГ СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТИ ҚУРМАНБЕК БАКИЕВНИНГ ЎҒЛИ МАКСИМ ҲИБСГА ОЛИНДИ

Қирғизистондаги 2010 йил "апрель инқилоби" дан сўнг мамлакатни тарк этган собиқ президент Қурманбек Бакиевнинг ўғли Максим Бакиев Қирғизистон ва АҚШнинг сўровига биноан 2012 йил 12 октябрь куни Лондонда ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан қўлга олинди. Бу ҳақда жума куни кечкурун Қирғизистон президенти аппаратининг ахборот сиёсати бўлими маълум қилди.

Қирғизистонда Максим Бакиев оғир жиноятларни содир этишда айбланмоқда. "Қирғиз Республикаси ва Буюк Британия ўртасида экстрадиция тўғрисида битим йўқлиги боис айни пайтда Максим Бакиевни АҚШга экстрадиция қилиш масаласи кўрилмоқда. Максим Бакиевга қўйилаётган айбловлар бўйича АҚШда узоқ муддатли

жазога тортиш кўзда тутилган", - дея хабар қилади Қирғизистон президенти аппаратининг ахборот сиёсати бўлими. Шу билан бирга, «Вечерний Бишкек» газетасининг манбалари таъкидлашича, Максим Бакиев очикда юрибди. "Максимни бирпасда қўйиб юбордилар. Англашилмовчилик учун кечирим сўрадилар. У анчадан бери дам олапман деб айди", - дея қайд этдилар нашр манбалари Максимнинг қўлга олингани ҳақидаги хабар пайдо бўлганидан сўнг унга телефон қилиб. Максим Бакиев отаси президентлиги чоғида президент маъмурияти қошидаги Ривожланиш, инновация ва инвестициялар марказий агентлигини бошқарган, 2010 йилги давлат тўнтариидан сўнг эса Интерпол орқали халқаро қидирувга берилган.

Шаҳрисабз тумани расмийлари калтаклаб ўлдирилган 18 ёшли теримчи Наврўз Исломов иши бўйича ички ишларнинг бир неча ходими кўрсатма бераётганини тасдиқлади.

Ҳокимият: “18 ёшли теримчи калтакланиш оқибатида ўлгани аниқ эмас”

Шаҳрисабз тумани ҳокимлигининг шахси сир қолишини истаган расмийси Озодлик мухбири билан ўзаро суҳбатда шуни таъкидлади.



ШАҲРИСАБЗЛИК ТЕРИМЧИНИ ЎЛДИРГАН МИЛИЦИЯЧИЛАР КЎРСАТМА БЕРМОҚДА

Унинг айтишича, 6 октябр куни оламдан ўтган 18 ёшли теримчининг калтаклангани аниқ.

Аммо унга кўра, Наврўз Исломовнинг ўлими сабабларини аниқлаш мақсадида ўтказилган тиббий экспертиза хулосалари туман ҳокимлиги расмийларига маълум эмас ва жиноий иш қўзғатилгани ҳақида ҳам маълумот йўқ.

Аммо, ҳокимлик мулозими теримчининг калтакланишига гувоҳ бўлган шахслардан кўрсатма йиғиш жараёни бораётгани ва бу жараёнга 24 киши тортилгани, улар орасида Ички ишлар ходимлари ҳам борлиги, айрим гувоҳлар ҳибсда сақланаётганини айтди.

Расмийнинг айтишича, ҳибсда сақланаётган гувоҳлар ичида ички ишлар ходимлари ҳам бор.

Норасмий манба: “Наврўз Исломов милиционерлар калтагидан ўлган”

Озодликка 8 октябр куни шахси сир қолиши шарт билан хабар қилган манбага кўра, 1994 йилда Шаҳрисабз туманида туғилган Наврўз исмли йигит туман милиционерлари томонидан калтаклаб ўлдирилган.

Хабарда айтилишича, бу йигит хаста онасининг ўрнига пахта теримига чиққан ва 6 октябр куни соғлиги ёмонлашгани боис пахта теримидан қайтаётган кезде милиция ходимлари томонидан тўхтатилган.

Исми сир қолиши шарт билан Озодликка сўзлаган манба Наврўз билан туман милиционер-

лари ўртасида тортишув чиққани, натижада, йигит милиционерлар томонидан қаттиқ калтакланиши оқибатида вафот этганини иддао қилган эди.

Озодликнинг Шаҳрисабз тумани мутасаддилари ҳамда тегишли давлат ташкилотлари билан мулоқотлари натижасида бу хабар қисман тасдиғини топди.

Яъни, расмий ташкилотлар – Шаҳрисабз туман ҳокимлиги ва туман Ички ишлар бўлиmidан олинган маълумотларга кўра, 18 ёшли

милиция ходимлари томонидан ўраб олинган.

Шаҳрисабз тумани ҳокимлигида муқаддам ишлаган манбалардан бири эса марҳумнинг онаси – Шаҳрисабз туманидаги Мирзо Улуғбек номли мактаб ўқитувчиси Нодира Исломова ҳамда сартарошлик қиладиган отаси Ғолиб Исломовнинг бегона шахслар билан мулоқоти куч ишлатар органлар ходимлари томонидан чекланган.

Мустақил журналист: “Қашқадарё расмийлари ташвишда”

18 ёшли теримчининг вафоти тафсилотларини ўрганаётган “Эзгулик” инсон ҳуқуқлари ташкилоти вакили, журналист Абдурахмон Ташанов аниқлаган маълумотларга кўра, ҳодиса вилоят расмийларини жиддий ташвишлантириб қўйган.

Ташановнинг айтишича, 7 октябр куни вилоят ҳокими иштирокида катта йиғилиш ўтказилган ва пахта терими мавсумида теримчиларнинг бу тариқа ўлимига йўл қўймаслик масаласи муҳокама қилинган.

Вилоят ҳокими ҳодиса тафсилотларини зудлик билан ўрганиш ва шунингдек, бундай ҳодисаларга оид маълумотларнинг тарқалишига йўл қўймаслик ҳақида кўрсатма берган.

Бу бу йилги пахта теримининг биринчи қурбони эмас

Шаҳрисабз туманидаги ҳодиса бу йилги пахта терими мавсумида теримчиларнинг вафот этганига оид Озодликка маълум бўлган илк ҳодиса эмас.

Бунга қадар 30 сентябр куни Жиззах шаҳридаги Санъат коллежининг 2-курсда таҳсил олаётган 18 яшар Азиз Бахтиёров пахта терайётган пайтда кутилмаган юрак хуружидан далада вафот этгани хабар қилинган эди.

17 сентябр куни эса Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида тошкентлик ҳашарчи-теримчи 55 ёшли Игорь Ячевский оламдан ўтгани, унинг ҳам юрак хуружидан вафот этгани айtilган эди.

Бу йилги пахта теримига мактаб ўқувчиларининг чиқарилишини тақиқлаган Ўзбекистон ҳукумати мамлакатдаги давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда олий ўқув юртлари, касб-хунар коллежлари ўқувчиларини оммавий равишда пахатага сафарбар қилган.

Пахта терими мавсумини кузатаётган баъзи ўзбекистонликлар ҳамда ҳуқуқ фаоллари бераётган хабарларга кўра, баъзи ҳудудларда расмийлар хаста талабалар ҳамда ишчи-хизматчилар ҳам пахта йиғим-теримига мажбуран сафарбар қилган.

Швециянинг шундок ҳам “машхур” бўлган TeliaSonera компанияси кейинги вақтларда яна ҳам машхурроқ бўлиб қолди.

Компаниянинг Ўзбекистондаги диктатура режими билан олиб борган ҳамкорлиги уни яна-да кўпроқ “машхур” қилди, десак кўп муболаға бўлмас. Диктатура режимлари билан ҳамкорлик ўрнатиб, кўпроқ пул

TELIASONERA БОШ ДИРЕКТОРИ ЛАРС НЮБЕРГ ЛАВОЗИМИНИ ТАРК ЭТАДИ

топиш мақсадини кўзлаган компаниянинг бош директори Ларс Нюберг вазифасидан истеъфо беришини маълум қилган. Бу ҳақида 10 октябр кунда швед оммавий ахборот воситалари хабар тарқатди. Ларс Нюберг 2013 йилга қадар компания бош директори лавозимига тайинланганди.

TeliaSonera швед оммавий ахборот воситаларининг диққат марказига тушиши, унинг очкўзларча Собик Совет Иттифоқи давлатларига томон қилган бизнес юриши нағижасида бошланди. Шу йилнинг (2012 йил) апрель ойида бу ширкатнинг собик СССР нинг диктатура режимлари ўрнатилган мамлакатларида олиб бораётган фаолияти қаттиқ танқид остига олинди. Швед телевидениесининг Uppdrag granskning (Вазифа. Текшириш) дастури журналистлари компания собик Совет мамлакатлари ҳудудларида хафвсизлик хизматлари

билан ҳамкорлик ўрнатгани ва ўз мижозларининг телефон суҳбатларини муттасил тинглаб бориши, уларнинг ҳаракатларини назорат қилиш имконларини яратиб берганини фош қилганди. Шу жумладан бизнинг ватанимиз бўлган Ўзбекистонда ҳам.

Ўшанда Ларс Нюберг ва унинг командаси “биз фаолият олиб бораётган мамлакатларда бу ҳолат қонун

доирасидадир” деган баҳона билан кутулиб қолишди. Лекин фалокат келса кўшша келади деганларидек, энди компания Гулнора Каримовага пора берганлиги учун Швеция прокуратураси томонидан таъкиб қилинапти.

2,2 миллиард швед кронаси миқдоридаги пора бу мамлакат оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокама қилинадиган мавзуга айланди. Янги сизиб чиқаётган маълумотлар ҳам TeliaSonera кўрабила туриб бу аферага аралашганини исботлапти.

Албатта Ўзбекистон учун пора олиш ва пора бериш нормал ҳолат. Бунинг учун ҳукуматимиз ўзининг коррупцион раҳбарларини фақат тақдирлаб келади ва юксак лавозимларга кўтаради. Шу сабаб расмий Тошкент учун Швецияда кўтарилаётган шов-шув тушунар-



сиз бўлса ажаб эмас. Улар учун “Нима ўзи бу, осмон узилиб ерга тушибдими? Бор йўғи бир компания Ўзбекистонда фаолият кўрсатиши учун откат берган экан, бутун бошли Ўзбекистон шунақа откат бериш билан яшайпти-ку ахир! Халқ норозилик билдирмаяпти, демак ҳаммаси яхши. Албатта ҳаммаси яхши, фақат Ўзбекистонда яхши!”

Гулнора Каримовага пора берганлиги учун TeliaSonera бош директори Ларс Нюберг истеъфо беради! Яқин орада бу компания Ўзбекистондаги бизнесини ҳам тўхтатишга қарор бериши мумкин. Ҳар неки, бу ҳақда баъзи гап-сўзлар ҳам учрапти. “Ўздунробита”ни ҳукумат ёпди, Usellни TeliaSonera ёпса, Ўзбекистон мобил телефон бозорида фақат Uzmobil қолади холос. Келгусида режим билан ҳамкорлик қилишга дунёнинг қайси йирик ширкати рози бўларкан, буни вақт кўрсатади.

Тўлқин Қораев

ТОШКЕНТДА МАРДИКОРЛАР ҲИМОЯСИГА ПИКЕТ



5 октябр кун Тошкентда Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги биноси олдида мардикорлар касабаси уюшмасини тузиш ташаббускорлари бўлган ҳуқуқ ҳимоячилари норозилик пикети ўтказди.

Жума кун Тошкентда Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги биноси олдида мардикорлар касабаси уюшмасини тузиш ташаббускорлари Абдулла Тожибой ўғли билан Нуриддин Жуманиёзовлар норозилик пикети ўтказди.

Ҳуқуқ фаоли Абдулла Тожибой ўғлига кўра, норозилик пикетидан мақсад мардикорларнинг касабаси уюшмасини тузиш ташаббускорларидан бири бўлган ва 15 суткага қамалган Фахриддин Тиллаевнинг озодликка чиқарилишини талаб қилиш бўлган.

- 5 октябр кун Ички ишлар вазирлиги биноси олдида тахминан соат 9дан бошлаб норозилик акциясини ўтказдик. Биз Фахриддин Тиллаевга нисбатан административий суд қилиб, уни 15 суткага қамаганлиги тўғрисида норозилик билдириб, озод этилишини талаб қилиб чиқдик,- дейди Абдулла Тожибой ўғли.

Шу пайтгача Ўзбекистонда пикет ўтказган ҳуқуқ фаоллари мунтазам маъмурий жавобгарликка тортилиб келган.

Абдулла Тожибой ўғлига кўра, бу сафар улар ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан ҳеч қандай жавобгарликка тортилмаган.

- Тахминан 20 минут давомида ўша ерда бўлдик ва бизни МВДдан (ички ишлар вазирлиги-тахр.) чиққан ходимлар хатлар бўлимига олиб кирди. Хатлар бўлимида биз ўзимизнинг талабларимизни уларга билдирдик. Улар тарафидан кўрқитувлар, бизга нисбатан қандайдир танбехлар бўлди. Кейин бизни Яққасарой туман ИИБга олиб кетишди. У ерда бизни тахминан 1,5 соат давомида ушлаб ўтириб, бизга ҳеч қанақа айблар айтилмади, айбламасди. Бизни ҳеч-қандай гап-сўзсиз чиқариб

юборишди,- дейди Тожибой ўғли. Утган ой Абдулла Тожибой ўғли, Фахриддин Тиллаев ва Нуриддин Жуманиёзовлар Тошкент шаҳар Кўйлик мавзесида жойлашган меҳнат биржасида милиция ходимлари тарафидан ушлаб олиб кетилиб, кейинроқ кўйиб юборилган эди.

Учовлон иш топиш илинжида пойтахт меҳнат бозорига келган ўзбекистонликларга “Мардикорлар касабаси уюшмаси”га кириш учун варақалар тарқатгани учун қўлга олингани айтилган эди.

23 сентябр кун Тошкент шаҳар Ҳамза тумани суди ҳукмига кўра, Фахриддин Тиллаев, Нуриддин Жуманиёзов ва Абдулла Тожибой ўғли бу ҳаракати учун ноқонуний фаолиятда айбланиб, ҳар бири юз минимал иш ҳақи (7.235.500 сўм) миқдорида жаримага тортилган эди.

3 октябр кун эса Фахриддин Тиллаев Сурхондарё вилояти Бойсун туманида милиция ходимлари томонидан олиб кетилиб, 15 суткага қамалгани маълум бўлди. Ҳуқуқ фаолларининг ўзлари Тиллаевнинг қамалганини “Мардикорлар касабаси уюшмаси”ни тузиш ҳаракатлари билан боғлайдилар.

(Давоми: Боши 7-Бетда)

Мазкур империянинг давомчиси, Византия ҳам, 14-чи асрда, жамиятнинг маънавий бузилиши сабабли, қулади. Юсак тараққиётга эришган исломий давлатларда ҳам, тахт тепасига бетайин шахсларнинг ўтириб қолганлиги туфайли, жамият тараққиёти орқага сурган.

Ғарб иқтисоди, тинимсиз пасаяётган бугунги бир пайтда, шарқ иқтисоди кўтарилаяпти. Бу, ғарб жамияти фалсафасидан, шарқ ҳаётий фалсафаси устин эканининг ёрқин далилидир. Ғарбда маънавий ва иқтисодий заифлашув аллақачон бошланган. Агар, бу жараёнга ўз вақтида барҳам берилмаса, маънавият ҳақ томонга тикланмаса, ғарб ўзининг бугунги маънавий батамом йўқотади.

Ғарбда ҳам, шарқда ҳам инсон бирдай, Мен кимман? Нима учун яшайман? Ва қаерга кетаман?, деган саволларига жавоб излаб яшашлари керак. Ислонда, Инсон азиз ва мукаррам қилиб яратилган, деб таълим берилади. Инсон, ўзининг маънавий бойлигини орттириши билан, мукаррамлик мақоми сари қадам босади.

Инсоннинг руҳий қадрини ва коинотнинг мазмунини, ажодларимиз ҚУРЪОНИ КАРИМдан излаганлар ва топганлар. Тарих шуни кўрсатаёптики, ҚУРЪОНИ КАРИМНИНГ оятлари мазмуни, жамият аъзолари томонидан етарли даражада ўзлаштирилганда, жамият тараққиётга юз тутаверган.

Мамлакат ривож учун, аввало халқ танлаган, одил подшо зарур. Кейин эса, мафкура. Жамият, мафкураси билан ўзига хос ривожланиш йўлига қиради. Афсуслик, ривожланиш йўлининг камчиликлари, вақт ўтиши билан ойдинлашади. Жамиятимизнинг жиловли бугун диктатор Каримов қўлида. У, мамлакатни бошқаришда, ҳеч қачон, яхшилик ва ёмонликнинг фарқи бормаган. У, ўз фойдаси учун ишлаганлиги сабабли, халқ дарди билан ҳисоблашиб ўтирмаган.

Ўз билганини қилган ва қилаёпти ҳам. Ваҳоланки, Каримов тахтни эгаллаган пайтда, у кўпчиликка маъқул келган эди. Нега-ки одамлар унинг иқтисод фанидан аллақандай аттестацияси борлигига ишонганлар. Эл бошлиғи, энг аввало, иқтисодчи эмас балки, маънан кучли инсон бўлиши керак.

Бугунги динсиз демократлар ҳам жамият тарққиёти учун курашажакларини билдиришмоқдалар.

Биз, Эрк демократлари, суз ва фикр эркинликларини ҳурмат

ҒАРБ ТАФАККУРИНИНГ ҚАТТИҚ ҚОБИҒИ

қиламиз. Кимнингдир фикрини инкор қилиш ниятимиз йўқ. Ким ҳақ, ким ноҳақ эканини, вақт белгилайди.

Ўзбекистонимизнинг маънавий ва иқтисодий бўҳрондан олиб чиқиш йўлини кўзлаган динсиз демократлар, жамиятимизни ғарб демократияси билан боғлаб қўйишга ҳақли эмаслар. Нега-ки, динсиз демократларнинг байроғи, қисман ғарб маданияти томонга йўналтирилган. Яъни улар, жамиятимиздаги демократия, ислом дини нормаларидан чеккароқда бўлиши кераклигини пеш қилаёптилар. Ислонни жамият учун эскилик сарқитлари, деб тушунсалар ҳам керак. Атеистлар орасида ҚУРЪОНИ КАРИМ оятлари тафсилотларини билладиганлар борми? Мен буни билмайман. Биламан-ки, билмаган нарсаларингни ёлғон деб, шу фикрларингдан ўзларинга ёққан хулосани чиқариб, оммага тақдим этиш мақсадида халқни яна бир қарра алдаш ҳисобланади. Мана 1433 йилдирки, Ислон ўзгармаган ва ўзгармайди ҳам. У қиёматгача, кишилик жамияти учун, ҳаётбахш хусусиятларга эга бўлиб қолаверади. Ўзбек миллатининг урф-одатлари, қадриятлари, кўз қарашлари ва ҳатто ўзбекчилик тушунчалари ҳам, Ислон дини билан чамбарчас боғлиқдир. Агар, ҳокимият бошига яна, атеист келса, миллатимизнинг маънавий тараққиёти жараёнида, янги муомолар туғилаверади.

Ғарб инқирозда, Шарқ юксалишда.

Бу узоқ вақт давом этаверадиган жараёндир. Ғарбда, жамиятни ҳақ йўлга етакловчи куч ҳозирча йўқ. Чунки, ғарб жамиятидаги инсонларнинг диний тафаккури, қаттиқ ва мустаҳкам қобиқ орасида қолган. Шунинг учун ҳам, ғарб аҳлининг онгига илоҳий эътиқод билан таъсир ўтказиш жуда қийин.

Ғарб, яқин келажакда, иқтисодий ва сиёсий ривожланишда, шарқдан жиддий орқада қолиб кетади. Шунинг учун ҳам деймиз-ки:

-Бу азиз Ватан барчамизники. Олдимиздаги муқаддас мақсадни, яъни

Ўзбекистонда адолатли жамият барпо қилиш учун, бир бировимизга ёрдамчи бўлайлик. Чунки Ислон, демократия билан ёнма ён яшаш хусусиятига эга бўлган таълимотдир.

Мусулмончилик, астачилиқ билан... дейди, доно халқимиз. У жамият аҳли онгига аста-секин етиб бораверади. Ислонга имон келтириш, ҳар бир банданинг ихтиёрий амалидир. Бандаси, имон келтиргандан кейин, ёмонликлардан парҳез қилиб, яхшилик билан яшамоғи шарт.

Ёмондан яхшини фарқлаш учун, кўп ва хўп билмоқ зарур. Бу ҳақиқатни ўқиш ва ўқиш жараёни, бир умрга баробар. Ислон ҳукмрон давлатларда, аҳоли орасида, бошқа дин вакиллари ҳам аралашиб яшайверганлар.

Кўп миллатли давлатимизда, ҳокимият тепасига ким келганидан қатъи назар, бу аҳиллик давом қилаверган ва қилаверади. Қайси динда бўлишларидан қатъий назар, одамларнинг аҳил яшаши, динимиз маъқуллаган кўрсатмаларидандир.

Алҳамдулиллаҳ, мана 13 асрки миллатимиз мусулмончиликда. Бунинг билан фақат фахрланиш керак.

ДУО: Парвардигоро, бизни ҳидоят қилганингдан кейин, энди дилларимизни ҳақ йўлдан оғдирма ва бизга Ўз ҳузурингдан раҳмат ато эт. ОМИН.

СУРИЯ РЕЖИМИ ЎЛДИРГАН ГЎДАКЛАР СУРАТИНИ КЎРИБ...

Сурияда тўқилмоқда, қанча қонлар, Улаяпди ёш гўдаклар, болажонлар, Омонатдир танамизда ширин жонлар, Вақти келар, золимлар ҳам ўлар, ҳали, Уларга ҳам етар, ўлим даҳшатлари!

Эҳ, қанчалар даҳшатлидир ҳаёт, қаранг, Ким ишратда, ким кечирар ҳаёт, аранг, Кимларга кенг, кимларгадир ҳаёт, таранг, Золимларга ҳужжат бўлар, билар ҳали, Ўлган гўдак кўзларининг, даҳшатлари!

Ибн Касир авлодлари, қирилмоқда, Кимнинг, асли ким экани, билинмоқда, Бу разолат дунё учун, қилинмоқда, Аллоҳ Ўзи, ҳисоб-китоб қилар, ҳали, Порлар золим кўзларида, даҳшатлари.

Бу қисматни тиламасдим, гўдакларга, Чора борми қотиб қолган, юракларга?, Инсоният қулаёпди, тубсиз жарга, Золимлар ҳам вақти келар, кўрар ҳали, Мангу бўлар у дунёнинг даҳшатлари!!

М. Абутов

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов Марказий Осиёда Россияга қарши коалиция тузмоқчи, ва шу йўл билан, Москванинг минтақадаги таъсирини сусайтирмоқчи. Миллий хавфсизлик Кенгашининг 2 октябрь куни Тошкентда ўтган навбатдаги йиғилишида, у “Ўзбекистоннинг минтақадаги асосий позицияларини сақлаш ва Россиянинг минтақа республикаларига таъсирини сусайтириш учун Ўзбекистон Марказий Осиёда Россияга қарши коалиция тузиши лозим” эканини эълон қилди. Шундай қилиб...

бу, биринчи галда бизнинг сиёсий йўналишимизни қўллашдир. Энди ҳеч кўрмасдан биз давлат бошқарувини ўзимиз истаган шахсга топшира оламиз”;

“Ҳозирги [АҚШ тарафидан бўлаётган – У.Х.] қўллаш олдинги қўллашлардан фарқ қилади. Энди ҳеч ким инсон ҳуқуқлари деган ифшо масалани кўтаролмайди. Энди Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги лидер деган роль берилади. Ҳасадгўй қўшнилари ҳасаддан ўлаверсин”; “Мен сизларга яна бир сирни очайин:

нутқини биз икки қисмга ажратдик: ички ва ташқи таҳликалар ҳақида. Бизнингча, бу нутқ устида алоҳида тўхташ керак. Бу нутқ МХХ, ИИБ, ФВВ, ТИВ, СММИ вакиллари учун ўзига хос топшириқ бўлди. Шундай қилиб...

Ислон Каримов ташқи таҳликалар ҳақида Хавфсизлик Кенгашининг йиғилишидаги чиқишида, Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов “барқарор ривожланаётган Ўзбекистонга душман” давлатлардан олти тасини санади: Россия,

УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: КАРИМОВ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА РОССИЯГА ҚАРШИ КОАЛИЦИЯ ТУЗМОҚЧИ (1)

Марказий Осиёда Россияга қарши коалиция тузиш ва минтақадаги вазиятни беқарорлаштириш бўйича Американинг “ёлланма хизматкор”и

Кучишлар тизимлар раҳбарларидан ташқари, Ташқи Ишлар Вазирлиги, Стратегик ва минтақалараро муносабатлар институти (СММИ) вакиллари ҳам қатнашган Хавфсизлик Кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида, И.Каримов “Ўзбекистон бундан кейин ҳам Марказий Осиёнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида асосий роль ўйнайди” деди.

Ўзбекистоннинг “АҚШ билан ривожланиб келаётган ўзаро муносабатлари”га тўхталиб, 74-ёшли диктатор шундай деди: “Энди, АҚШ билан ҳамкорликнинг янги босқичига эришганимизда, ҳеч бир ташқи ва ички душман бизнинг сиёсий ва давлат тузумимизга таъвоуз этолмайди”. И.Каримов бир неча марта “Америкалик ҳамкорларимиз ташқи ва ички душманларнинг Ўзбекистонга босим ўтказишга бўлган ҳар қандай уринишини қайтаришга ваъда бердилар”, деган.

Ўзининг 40-дақиқалик чиқишида Ислон Каримов “Америкалик ҳамкорларимиз ташқи ва ички душманларнинг Ўзбекистонга босим ўтказишга бўлган ҳар қандай уринишини қайтаришга ваъда бердилар” деган жумлани 12 марта такрорлади. Бу билан Каримов йиғилиш иштирокчиларига нафақат океанорти ҳамкорларининг куч-қувватини, балки ўз шахсининг Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиёдаги ягона лидер дея қудратини уқтирмоқчи эди. Мана унинг чиқишидан иқтибослар:

“Тасаввур қилаяпсизми, Американинг қўлаши нима эканини?! Бу нафақат давлатимизга моливий, ҳарбий ёки техник ёрдам,

Лилипутиннинг [Россия президенти В. В. Путиннинг – У.Х.] минтақадаги манфаатлари энди биринчи навбатда бизнинг позициямизга, айтиш мумкинки, менинг позициямга боғлиқ бўлади”;

“Ўтган йилларда Россиянинг ҳамма яхшилигини унутинглар. Ҳа, руслар “Анджон” масаласини ёпишда ёрдам берди. Аммо у кунлар ўтиб кетган. Сиёсатда хотира ва ҳис-туйғуларга берилиш йўқ. Сиёсатда ахлоқ, инсоф ва миннатдорчиликларга ўрин йўқ. Кеча Россия ёрдам берган бўлса, бугун Америка ёрдам берапти. Сиёсат дегани мана бундай: агар кимдир сенга ёрдам бериб, эски дўстлар тарафига тупуришни шарт қилса, ҳеч иккиланмасдан эски дўстлар тарафига тупуриб, янги дўстлар ёрдамини танлаш керак. Бунинг ҳеч ҳам ёмон жойи йўқ. Ахир бу ёрдам давлатимизнинг келажаги учун, фарзандларимиз ва невараларимиз келажаги учун-ку! Ахир биз ўзбекмиз-ку! Ахир биз фарзандларимизни севамиз, улар учун ҳар қандай фидоийликка тайёрмиз-ку! Тўғрими-йўқми?”

Ислон Каримовнинг бундай баёнотларидан кейин, гўё Каримов ўзининг АҚШ тарафга навбатдаги кескин “бурилиш”ини ўзича тушунтирмоқчи ва иштирокчиларга “профессионал” сиёсат алифбосидан дарс ўтмоқчи деган таассурот пайдо бўлди баъзи иштирокчиларда.

Бундан ташқари, Каримов ўзининг ўзбек миллатига гўё мансуб эканини таъкидлашдан кўра, кўпроқ америкаликлар кучоғига ўзини отишига ягона сабаб, ҳокимиятни Гулнора Каримовага силлиқроқ тарзда топшириш мақсадида эди.

Биз 2012 йил 2 октябрь куни Хавфсизлик Кенгашида сўзлаган узоқ, пала-партиш ва сўкинчтўла

Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон ва Туркия. “Туркманистондан эса кўрқмасаям бўлади, чунки президенти бутунлай шахсан менга бўйсунди” – деди АҚШ ёрдамидан сархуш ўзбек диктатори. Ўзбекистонга қарши ташқи таҳликалар ҳақида тўхталиб, И.Каримов энг кўп Россия ва Туркияни танқид қилди. Унинг фикрига кўра, “Гуллубяшнаб келаётган Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиёнинг барча давлатлари учун Россия энг хавфли давлат ҳисобланади, чунки унинг раҳбарияти ҳалигача эски империя ва буюк салтанат интилишларини сақлаб келаяпти”. Мана И.Каримовнинг ўзбек-рус ўзаро муносабатлари ҳақидаги нутқидан баъзи лавҳалар:

Эътибор беринг: америкалик дўстларимиз бизга ташриф этиши ва бизнинг АҚШ билан муносабатларимиз яхшила-ниши биланок, Путин дарров Қирғизистон ва Тожикистонга бораяпти, улар янги гидроплотиналар қуриб, бизга зарар етказмоқчи. Кўряпсизми: Путин давлатимиз атрофида айлан-иб юриб, нафақат янги плотиналар қурилишида қирғиз ва тожикларни қўллаяпти, балки уларни Ўзбекистонга қарши ҳам қайраяпти”;

“Уларда [Россия ҳокимиятида – У.Х.] бизга қарши нима бор? Биринчи навбатда, гастарбайтерлар. Рус махсус хизматлари оммавий тартибсизликларни уюштириши, Ўзбекистондаги ички вазиятни бу ишчилар востасида беқарорлаштириши мумкин. Рустам ака [МХХ раиси Рустам Иноятовга мурожаат – У.Х.], бу сизга ҳам тааллуқли [Ички ишлар Вазири Б.Матлубовга мурожаат – У.Х.].

Давоми кейинги бетда)

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Россиядан келаётган барча ишчиларни тергов қилинлар, текширинлар.

(Айниқса, олий маълумотли гастарбайтерларга алоҳида эътибор бериш керак. Олий маълумотли гастарбайтерлар – бу энг катта омадсиз, потенциал кўзғолончи ва террорчилар, энг хавфли одамлар бўлади. Зарур бўлса, Россиянинг ўзидаги вазиятни издан чиқариш учун уларни сотиб олиш керак”;

“Ким ўзи Путин? Иши юришмаган бир чекист у, холос. 80-йилларда у КГБнинг ГДРдаги энг йирик амалиётини барбод қилганини биласизми?”

УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: КАРИМОВ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА РОССИЯГА ҚАРШИ КОАЛИЦИЯ ТУЗМОҚЧИ (1)

Унинг дастидан совет разведкаси Германиядаги ўз амалиётларини тўхтатишига мажбур бўлган. Агар Анатолий Собчак Ленинградда унга бошпана бермаганида, у бир умр шундай ўтиб кетарди. 89-йилдами, 90-дамиди, аниқ эсимда йўқ, у А. Собчак билан бирга Тошкентга келган эди. Мен уларни аэропортда шахсан ўзим кутиб олганман. У пайтлар у Собчакнинг юзурдаги эди, Собчакка чой ташир, Собчакнинг пайпоғини ювар эди. Ана ўша – ҳозир Россия президенти”;

“Лилипутин [Россия президенти В. Путин – У.Х.] хотинидан ўлеудай кўрқади, биласизми? Шунинг учун у ҳалигача анави гимнастка уйнашига уйланолмаяпти... Нимади оти? Ҳа, Алина Кабаева! Эрак бўлсайди – аллақачон уйланган бўларди”.

Россия президенти В.Путинга қарши ҳақоратлар ва жиддий тингловчиларни кулдиришга уриниб бўлиб, кейин ўзбек диктатори “Путин Қирғизистон, Тожикистон ва бошқа қўшнилариимиз билан ҳар қандай имтиёзга, ҳатто иқтисодий жиҳатдан фойдасиз шартномаларга ҳам тайёр” эканини айтган. “Ахир Путин ва Россия минтақада катта оға ролини йўқотишни истамайди. Бунинг учун Россия Ўзбекистонда омавий тартибсизликлар ва ҳатто вазиятни издан чиқаришга ҳам тайёр” – деди И.Каримов. Президент фикрига кўра, Владимир Путин – Ўзбекистоннинг сиёсий мустақиллигига хавфдир. Нега биз Марказий Осиёда Россияга қарши коалиция тузишни бошлашимиз керак эканини энди тушундингизларми?” саволини ўртага ташлади И.Каримов.

Бунга қўшимча қилиб, “бу [Марказий Осиёда Россияга қарши коалиция тузиш – У.Х.] нафақат Ўзбекистон манфаатларига, балки Ўзбекистоннинг америкалик ҳамкорларининг манфаатларига ҳам хизмат қилади”.

Ўзбекистонга ташқаридан хавф солаётган давлатлардан гапини давом эттириб, И.Каримов Қирғизистон ва Тожикистонга тўхтади. “Бу икки республика – Россиянинг ҳақиқий қўғирчоқлари. Янги плотиналар қуриш учун Атамбаев ва Раҳмонов, менимча Вовканинг [В. Путиннинг – У.Х.] тоvonини ҳам қўшиб ялашди. Анави мўғул [Қирғизистон А. Атамбаев – У.Х.], анави совхоз раиси [Тожикистон президенти Э. Раҳмон – У.Х.]

Россия топшириғи билан юртимизда хаос ва тартибсизликлар чиқариш учун ҳар қандай провокацияга боради”, деди Ўзбекистон президенти.

Шундай қилиб...

Ўзбекистон кучишлатар тизимлари Қирғизистон ва Тожикистонга қарши провокация ва ҳарбий амалиётларга тайёргарлик кўришмоқда

Ўзбекистон диктатори ўз тизимларига “Қирғизистон ва Тожикистон ичкарасидаги вазиятни беқарорлаштириш бўйича режаларни ҳозирлаш” топшириғини берган. Бу ўринда И.Каримов яқинда Бишкекда содир бўлган норозиликлар ҳақида тўхтаркан, агар истаса, нафақат Россия, балки Ўзбекистон махсус хизматлари ҳам бунга қодир эканлигига ишора қилиб ўтди. “Модомики, қирғизлар ва тожиклар қўшнилариининг манфаатлари билан ҳисоблашмас экан, биз ҳам уларнинг манфаатлари билан ҳисоблашиб ўтирмаймиз.

Биз уларга кимнинг қўли узун эканини кўрсатиб қўйишимиз керак: Россиями, Ўзбекистоннингми. Уларга ҳатто Путиннинг келиши ҳам барқарорликни таъминлай олмаслигини кўрсатишиб қўйишимиз керак”, деди И.Каримов.

Бундан ташқари, у Ўзбекистон президенти Мудофаа Вазирлиги ва чегара қўшинларини (МХХ бўлимларини) “Тожикистон ва Қирғизистонга қарши ҳарбий ҳаракатларга тайёр туриш”га чақирди.

И.Каримовнинг бу топшириғи МХХ раиси муовини, генерал Шуҳрат Ғуломов бошлиқ ўзбек чекистлари гуруҳига қанот бағишлади, “мамлакат раҳбарининг бундай муҳим

топшириғидан фойдаланиб”

(бюджет орқали) мўмайгина даромад чиқариш мумкин. 2012 йил 6 октябрида (Ўзбекистон Хавфсизлик Кенгашининг йиғилишидан тўрт кун ўтиб) Шуҳрат Ғуломов МХХнинг баъзи бўлим (ташқи разведка ва чегара қўшинлари) раҳбарларини тўплаб, махфий мажлис ўтказди.

Бу мажлисда зудлик билан (2012 йил 15 октябргача) Ўзбекистон-Қирғизистон чегарасида курулли провокациялар режалаш ва амалга ошириш бўйича махсус амалиётлар ишлаб чиқишга қарор қилинди.

Жумладан, шу кунларда ўзбек чекистлари шошилинч тарзда “қирғиз чегарачилари дастидан

бошланган ўзбек ва қирғиз чегарачилари ўртасидаги отишмалар” режаси устида иш олиб бормоқдалар.

Шундай экан, шу кунларда мабодо ўзбек-қирғиз чегарасида икки давлат чегарачилари ўртасида “отишмалар” содир бўлса, ажабланмаслик керак.

Бу махфийлик Ш.Ғуломов бошлиқ мххчиларига бу “отишмалар” ҳукуматни бутун ўзбек-қирғиз чегараси бўйлаб бетон девор қурилиши учун молия ундириши, сўнгра эса бу пулларни Ш.Ғуломовга тобеъ бўлган қурилиш ширкатлари орқали “ювиш” учун зарур.

Генерал Шуҳрат Ғуломов ҳақида биз кейинги мақолаларимизнинг бирида батафсил тўхтаймиз. Ҳозирча шуни олдинданок маълум қилишимиз мумкинки, яқин келажакда у МХХ раиси Рустам Иноятовнинг ўрнини эгаллайди.

Ўзбек ҳукумати зарурат туғилганида, Тожикистон худудига бостириб кириш ва бу давлатга қарши бошқа ҳарбий ҳаракатларни ҳам амалга ошириш учун бундай “сценарийларни” ўзбек-тожик чегараси бўйлаб ҳам ҳозирламоқдалар.

Шундай қилиб, АҚШнинг мадади билан И.Каримов Марказий Осиёда нафақат Россияга қарши, балки минтақадаги барқарорликка ҳам қарши бош омилга айланмоқда. Бирок, бундан буён АҚШнинг геостратегик манфаатларига бутунлай тобеъ бўлган Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат йўналишининг истиқболига қарамай, И.Каримов ички таҳликалардан ҳам ташвишда. Шундай қилиб...

(Давоми бор)

(Давоми: Боши олдинги сонларда)
МУҲАММАД СОЛИХНИНГ УШ-
ЛАНИШИ

03.12.2001, Türkistan Bülteni

Тимур Хўжаўғли

Муҳаммад Солихнинг унга юборилган давват билан 28 ноябрда ташриф қилган Чех жумҳуриятининг Прага қўналғасида ушланишидан кейинги жуда қисқа вақт ичида ҳар хил халқаро афү ташкилотлари, инсон ҳақлари ташкилотлари, Норвегия ва бошқа кўплаб давлатлар мутасаддиларининг Чехия политикни ташкилотлари ва юқори даражали Чех раҳбарлари билан алоқага ўтиб, бу ишга аралашганлари қувонарли ҳодисадир. Байналминал Хабар Агентликлари, жаҳон Радио ва Телевидениеси, Туркча ва инглизча интернет нашри бўлган Türkistan-N бюллетени ва бошқа ўнлаб интернет саҳифалари бу хабарни дунёга ёйишга бошлади. Миллатлараро бундай ишбирлиги, ҳамкорликда шу ҳақиқатни ўртага чиқарди:

1. Муҳаммад Солих жуда кўп давлат ва демократ, қурулушлар тарафидан танилган ва севилган бир сиёсатчидир.
2. Ўзбекистондаги мавжуд режимнинг ҳақиқий юзини ҳам дунё яхши танийди. Бу икки фактор боис инсон ҳурриятига инонган ҳар ким Муҳаммад Солихни у тушган оғир вазиятдан қутқариш учун қўлидан келганини қилишга ундади. Ҳаммамининг тилагимиз дунё миқёсидаги бу қўмақ, турли давлатларнинг юксак даражадаги учрашувлари Муҳаммад Солихнинг тезда ҳибсдан озод қилиниб, Норвегияга қайтишидир.

МУҲАММАД СОЛИХ

Дунёга қараяпсан, шоир,
Япроқларига қор ёққан
Узоқ Хоразмдаги мағрур
Ва тикка юксалган чинордек.
Сен асло ғариб бир дарахт эмассан,
Танҳо Прага қамокхонасида,
Бир ўт бўлиб тушгансан
Дунёнинг кун тартибига!
Ўн тўққиз ёшда келганинда Прага
Совет танкаларини тошга тутганди,
Сенинг қалбингда ўйгонганди
Прага халқининг эркинлиги.
Эллик икки ёшда келганинг Прага эса
Эркин эди, лекин ўтмишини унутганди,
Ўзи учун оз кўрган эрк(инлик)ни
Сен учун кўп кўрган эди.
19 да эмассан энди, эй Шоир,
Ортиқ ортда қолди «Прага Баҳори».
Сочларингга оқ тушган бугун
Прагада эса - қора киш!
Бироқ сен жилмаган бир жанговарсан
Орқангдаги кўзи ёшли халқ учун
Мустанлақадан қутилган, аммо
Эркин бўлолмаган Туркистон учун!
Дунёмизга қараяпсан мағрур ва тикка
Сен танҳо Прага қамокхонасидан,
Сен ғариб бир дарахт эмассан асло,

Қалбимизда хилпирар япроқларинг.

MUHAMMED SALIH

(Туркия Туркчасида)

Dünyaya bakıyorsun şair,
Yapraklarına kar yağmış
Uzak Harezm'deki mağrur
Ve dik bir çinar gibi.
Sen garip bir ağaç değilsin asla
Bir kuytu Prag hapishanesinde,
Bir kor ateş olarak düşmüşsün
Dünyanın tam gündemine!
Ondokuz yaşında geldiğin Prag
Sovyet tanklarını taşlarken,
Sen için için duymuşsun
Prag halkı için özgürlüğü.
Elli iki yaşında geldiğin Pragsa
Özgürdü, ama geçmişini unutmuştu,
Kendine az bulduğu özgürlüğü
Şimdi sana çok görmüştü.
19 yaşında değilsin ey koca şair
Artık «Prag Baharı» da geride kaldı,
Saçlarına düşmüş akarla anlaşılan
Bugün kara bir kış var Prag'da.
Ancak sen uslanmaz bir savaşçısın
Geride kalan gözü yaşlı halkın aşkına
Sömürgeден kurtulmuş, ancak bir türlü
Özgürlüğe kavuşmamış Türkistan için.
Dünyamıza bakıyorsun mağrur ve dik
Bir kuytu Prag hapishanesinden,
Sen garip bir ağaç değilsin asla
Yüreklерimizde hışırıyor yaprakların.
Темур Хўжа
2001 йил, 3 декабр, Истанбул

М. СОЛИХНИ ҲИБСДАН ОЗОД ЭТИШ КАМПАНИЯСИГА ДОИР «ОЗОДЛИК» РАДИОСИ МАЪЛУ- МОТЛАРИ

Олдинги эшиттиришларимизда шу кунларда Прага қамокхонасида қолаётган Муҳаммад Солихнинг тақдири юзасидан ташвишланиш билдириб, Чехия раҳбариятига уни Ўзбекистонга топширмалик ва уни озод этиш ҳақда қатор халқаро ташкилотлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш гуруҳлари, хорижий дипломатлар мурожаат қилгани ҳақда маълум қилган эдик. Кунни кеча уларнинг сафига Хельсинки инсон ҳуқуқлари Халқаро Федерацияси ҳам қўшилди. Чехия Президенти Вацлав Хавел номига йўлланган мактубда Муҳаммад Солихнинг ҳибсга олингани ва у Тошкентга топширилиб, у ерда қийноқларга солиниши мумкинлиги ҳақдаги хабар Федерация аъзоларини чуқур ташвишга солаётгани қайд этилган. Хельсинки Вотч ташкилотининг тегишли идораларга, хусусан, Ички Ишлар вазирлиги ҳамда Адлия вазирлигини Муҳаммад Солихнинг Норвегияда сиёсий муҳожир статусида эканини инобатга олиб, уни ўзи истиқомат қилаётган мамлакатга қайтариш ва экстрадиция билан боғлиқ масаланинг кўриб чиқилишини Норвегия расмийларига беришга чақиришган. Шунингдек, 3 декабрда Лондондаги Халқаро Пен Клуб делегатлари

Ассамблеяси таниқли шоир ва сиёсатчининг ҳибсга олинishi муносабати билан Интерпол раҳбарияти ва Интерполнинг Чехия бўлимига хат йўллаб, Муҳаммад Солихни экстрадиция қилиш-қилмаслик масаласини ҳал қилишда терроризм халқаро саҳнада танилган шоирнинг ички дунёсига мутлақо зид эканини инобатга олишга чақиришган. Ушбу мазмундаги мактуб Пен Клуб делегатлари Ассамблеяси томонидан Чехия Президенти, Муҳаммад Солихнинг ҳам қалам, ҳам халқаро демократик ҳаракат бўйича ҳамкасби Вацлав Хавелга ҳам йўлланди. «ЭРК» Партияси раҳбарини озод этиш борасидаги ташаббуслар дипломатик жабҳада ҳам давом этмоқда. 3 декабрда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари йиғини доирасида Норвегия Ташқи ишлар вазири Ян Петерсен чехиялик ҳамкасби Ян Каван билан учрашиб, ўзбекистонлик диссидентни Норвегияга қайтаришни сўради. Унинг сўзларига кўра, бу ҳақдаги расмий мурожаат Чехия ҳукуматида йўлланган. Чехия Ташқи ишлар вазирлигининг юқори мартабали вакили Карл Борутсанинг матбуотга берган интервьюсида айтишича, Чехия Ташқи ишлар вазири норвегиялик ҳамкасбининг илтимосини қўллаб-қувватлашга уринган. Инсон ҳуқуқлари фаоллари ва кузатувчилар Муҳаммад Солих атрофидаги ҳодисанинг терроризмга қарши халқаро кураш билан боғланаётгани ҳақда ташвишланиш билдиришмоқда. Хьюман Райтс Вотч вакиласи, 2000 йил ноябрда Муҳаммад Солих устидан ўтказилган суд жараёнининг боришини кузатган Акейша Шилдс, Ўзбекистон расмийлари Муҳаммад Солих устидан ҳукм чиқарилганидан кўп ўтмай, Интерполдан уни ҳибсга олишларини сўраганларини айтди. Афтидан, дейди Акейша Шилдс, расмий Тошкент бундан бир-иккита ҳафта олдин Интерполга яна мурожаат қилган кўринадди. Вотч ташкилоти вакиласининг сўзларига кўра, Интерпол ҳозирги ҳаракатларини халқаро ҳамжамятнинг антитеррор чоралари билан боғламоқда. Мени, дейди Акейша Шилдс, Интерпол одамларни бесабаб қамокка ташлаётган режим сифатида танилган ҳукуматнинг хизматкорига айланиб қолиши таҳликаси кўрқитмоқда. Маркази Лондонда жойлашган Халқаро Амнистия ташкилотининг Марказий Осиё бўлими вакили Мейзи Вайчердинг ҳам радиомизга берган интервьюсида Чехия Муҳаммад Солихнинг тақдирини ҳал қилишда инсон ҳуқуқлари масаласини кейинга суриб қўйиши эҳтимолидан ташвишланиш билдириди.

(Давоми кейинги бетда)

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Биз бу ишни кўриб чиқадиганлар уни аксилтеррор жараёнига боғла-масликларига умид қиламиз, дейди Халқаро Амнистия ташкилоти вакиласи.

(«Озодлик» радиосининг 2001 йил 4 декабр кунги дастуридан олинди)

«ДИКТАТОРЛАРНИ ЭМАС, ДЕМОКРАТИЯНИ ҲИМОЯ ҚИЛИНГ...»

Мухаммад Солихнинг Прагада ҳибсга олинishi мавзуи атрофида билдирилаётган фикрлар орасида америкалик сиёсатшунос, профессор Марк Каатснинг «Москов таймс» газетасининг 3 декабр кунги сониди «Диктаторларни эмас, демократияни ҳимоя қилинг», сарлавҳаси остида эълон қилинган мақоласи эътиборга сазовордир. Мухаммад Солих билан таниш бўлган Каатснинг ёзишича, Солих билан 1992 йилда учрашгани, Каримов Ўзбекистон демократик муҳолифатининг Фарбдаги обрўсини тўкиш учун уни исломий фундамен-талистар ниқобига солаётгани ва у Фарб бу найрангга учмаслигига умид қилаётган бўлса-да, аслида, Каримов бу ўйинни фарбликлар онгига сингди-ра олишидан қўрқаётганини айтган. У менга Каримов ўзининг демокра-тик оппонентларини йўқ қилиши, бироқ исломчи фундаменталистлар орасидаги муҳолифларини осонликча йўқотолмаслигини башорат қилган эди, унинг башоратлари амалда тўғри бўлиб чиқди, деб ёзади Каатс. Унинг фикрига кўра, ҳозир АҚШ ва Фарб давлатлари агар Каримов режими қулса, унинг ўрнига ис-ломий фундаменталистлар режими бўй кўтаришидан чўчиб, Каримов диктатураси билан амалда бир иттифоққа қўшилган. Биз, деб ёздаи сиёсатшунос, Ўзбекистондан ҳарбий ҳаракатларимизнинг таянч платсдар-ми сифатида фойдаланиш илинжида Каримовга тобе бўлиб қолмоқдамиз. Каримов эса, бу тобеликдан фой-даланиб, режимини танқид қилиб келаётган Солихнинг оғзини юмиш-га умид қилаётгани шубҳасиздир. Агар бу нарсанинг содир бўлишига йўл қўйиб берсак, деб давом этади муаллиф биз Фарб кадриятларига хиёнат қилган бўламиз. Марк Каат-сининг таъкидлашича, гаровга фақат Мухаммад Солихнинг тақдири қўйилаётгани йўқ, ҳозирнинг ўзида АҚШ Афғонистонга демократияни қарор топдириш учун борганми ёки жаҳоннинг биз билан бир иттифоққа қўшилган дикатураларини ҳимоя қилишга борганми, деган саволни ўртага қўйишмоқда. Солихнинг тақдири нима бўлиши бу саволга ан-чайин ойдинлик киритиши мумкин, деб ҳисоблайди америкалик сиёсат-шунос.

(«Озодлик» радиосининг 2001 й. 4-декабр кунги дастуридан)

«ОЗОДЛИК» РАДИОСИНИНГ М. СОЛИХНИНГ ПРАГАДА ҲИБСГА ОЛИНИШИ ВОҚЕАСИГА ДОИР ЭЪЛОН ҚИЛГАН МАТЕРИАЛИ

У.Норматов

Очилиш:

Мухтарам тингловчилар, 28 ноябр кунги «Озодлик» радиоси эшиттириш-ларида иштирок этиш учун Чехияга келган Ўзбекистон ЭРК Демократик партияси раиси Мухаммад Солих Праганинг халқаро аэропорти-да Ўзбекистон ташаббуси билан чиқарилган Интерпол ордериға мувофиқ ушлангани ҳақида хабарин-гиз бор. 30 ноябр кунги Прага шаҳар суди Ўзбекистоннинг Мухаммад Солихни экстрадитсия қилиш ҳақидаги мурожатини кўриб чиқиш учун уни 40 кунгача ҳибсда сақлаш ҳақидаги қарорини эълон қилди. Чехия Мухаммад Солихни Тош-кентга топшириш-топширмаслик масаласини ҳал қилишда давом этаркан, Ўзбекистон демократик муҳолифатининг таниқли вакилини озод қилиш борасидаги халқаро бо-сим кучайиб бормоқда. Мухаммад Солих атрофидаги ходисаларнинг ривожига оид тафси-лотлар билан микрофон олдида Бек Нормухаммад:

Олдинги эшиттиришимизда шу кунларда Прагадаги Панкратс камокхонасида қолаётган Мухаммад Солихнинг тақдири юзасидан ташвишланиш билдириб, Чехия раҳбариятига уни Ўзбекистонга топширмаслик ва озод этиш ҳақида қатор халқаро ташкилотлар, ин-сон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш гуруҳлари, хорижий дипломатлар мурожаат қилганлари ҳақда маълум қилган эдик. Кунги кеча уларнинг сафига Хелсинки инсон ҳуқуқлари халқаро федератсияси ҳам қўшилди. Чехия президенти Ватслав Ҳавел номига йўлланган мактубда, Ислон Каримов режимининг таниқли оппо-ненти Мухаммад Солихнинг ҳибсга олингани ва у мажбуран Тошкентга топширилиб у ерда кийноқларга со-линиши мумкинлиги ҳақидаги хабар Федератсия аъзоларини ташвишга со-лаётгани қайд этилган. Мактуб муал-лифлари Чехия ҳукуматининг тегиш-ли идоралари, хусусан, Ички ишлар варириги ҳамда Адлия вазирлигини Мухаммад Солихнинг Норвегияда қочкин мақомига эга эканини ино-батга олиб, уни ҳозирги истиқомат қилаётган мамлакатига қайтариш ва экстрадидтсия билан боғлиқ масала-нинг кўриб чиқилишини Норвегия расмийларига беришга чақиритган. Шунингдек, 3 декабрда Лондондаги халқаро Пен клуб делегатлари ас-самблеяси таниқли шоир ва сиёсат-чининг ҳибсга олинishi муносабати билан Интерпол раҳбарияти ва интер-

полнинг Чехия бўлимига хат йўллаб, Мухаммад Солихни экстрадитсия қилиш-қилмаслик масаласини ҳал қилишда, терроризм халқаро сахнада танилган шоирнинг дунёқарашига мутлақо зид эканини инобатга олиш-га чақиритган.

Айнан шу мазмундаги мактуб Пен клуб делегатлари ассамблеяси томо-нидан Чехия президенти, Мухаммад Солихнинг ҳам қалам, ҳам халқаро демократик ҳаракат бўйича ҳамкасби Ватслав Ҳавелга ҳам йўлланди. ЭРК Партиясини озод этиш борасида-ги ташаббуслар дипломатик жабҳада ҳам давом этмоқда.

3 декабрда Бухарестда очилган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг йиғини доира-сида Норвегия ташқи ишлар вазири Ян Петерсен Чехиялик ҳамкасби Ян Каван билан учрашиб ўзбекистонлик диссидентни Норвегияга қайтаришни сўради. Унинг сўзларига кўра, бу ҳақдаги расмий ҳужжат Чехия ҳукуматига йўлланган. Чехия ташқи ишлар вазирлигининг юқори марта-бали вакили Карел Борувканинг ЧТК агентлигига билдиришича, Чехия ташқи ишлар вазири Норвегиялик ҳамкасбининг илтимосини қўллаб-қувватлашини айтган.

Инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари ва ку-затувчилар Мухаммад Солих атрофи-даги ходисанинг терроризмга қарши халқаро кураш билан боғланаётгани муносабати билан ташвишланиш билдиришмоқда. Хюман Ройтс Уотч ташкилоти ваки-ласи, 2000 йил ноябрда Мухаммад Солих устидан ўтказилган суд жараёнининг боришини кузатган Акейша Шилдс, Ўзбекистон рас-мийлари Мухаммад Солих устидан ҳукм чиқарилганидан сўнг кўп ўтмай интерполдан уни ҳибсга олишни сўраганларини айтди. «Афтидан, дей-ди Шилдс, расмий Тошкент бундан бир-ики ҳафта олдин Интерполга яна мурожаат қилган кўринади».

Уотч ташкилоти котибаси-нинг сўзларига кўра, Интерпол ҳозирги ҳаракатларини халқаро ҳамжамятнинг аксилтеррор чора-лари билан боғламоқда. «Каминани, дейди Шилдс, Интерпол одам-ларни бесабаб қамокларга ташла-ётган режим сифатида танилган ҳукуматнинг хизматкори каби иш юритиши мумкинлиги ҳавотирга солмоқда». Иқтибос тугади.

Бош қароргоҳи Лондонда жойлашган халқаро амнистия ташкилотининг Марказий Осиё бўлими вакили Майси Вайчердинг ҳам радиомизга берган интервьусида Чехия Мухаммад Солихнинг тақдирини ҳал қилишда инсон ҳуқуқлари масаласини кейинга суриши эҳтимоли муносабати билан ташвишланиш билдирди.

(Давоми келгуси сонда)

КАСАЛЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ДАВОСИ

(Давоми: Боши ўтган сонларда)

Мусулмонлар учун оғохлантириш: дори корхоналарининг расмий баёнотларига кўра, капсула, драже ва таблетка ишлаб чиқаришда фақат тўнғиз желатини ишлатилади. Бузоқ (мол) желатини истеъмолдан чиқиб кетган.

Кейинги йилларда дориларнинг ҳаммаси Рекомбинант ДНК ва нанотехнология йўли билан ишлаб чиқарилмоқда. ДНА рекомбинацияси учун тўнғиз ва маймун ДНАлари ишлатилади. Бу шаклда инсон ДНКсига тўнғиз ва маймун ДНК си парчаларини аралаштириш инсон генотипини тўнғизлаштириш ва маймунлаштиришга сабаб бўлади. (Китобмизнинг “Дорилар” бўлимига ва Куръони Каримнинг “Моиди” сураси, 60-оятига қаранг.)

Кир ювиш порошокларини умуман ишлатмаслик, улардан сақланиш керак. Ёғ эритувчилар, тузларни эритувчилар, қувур очувчилар, хлорли порошоклар ва шунга ўхшаш турли порошоклар ва датаржанлар мия ва тироид тўқималарини зарарлайди, мияда қон айланишини бузиб, MS каби неврологик ва руҳий касалликларга сабаб бўлади. Ўпкадаги бронхлар ва алвеолаларни эритиб, шиширади ва ҳолдан тойдиради, қонга аралашиб аллергияга, бепуштликка ва саратонга сабаб бўлади. (“Сунъий хушбўй хидлар” “Ароматлар” бўлимига қаранг.)

Ошқозон ва ичак касалликлари

Жигар ва сафро косасини (ўт пуфагини) тозалашни бошлашдан аввал ҳазми тузатиш, ичакларнинг яхши ишлашини таъминлаб, ич қотишини кетказиш керак бўлади. Агар ич кетаётган бўлса, ичакларни кучайтириш, ошқозон ва ичакларда яралар бўлса, уларни даволаш керак бўлади. Яъни ҳазм тизими, жигар ва сафро косаси (ўт пуфаги) зарарли моддаларни чиқара олиши учун қувватланишлари талаб қилинади.

Ҳазмсизлик

Ҳазмсизлик аксарий касалликларнинг бошидир.

Ҳазмсизлик натижасида юзага келган қолдиқ моддалар жигарга селдек оқади; жигар бу қолдиқларни қисман парчалайди ва қон воситасида ташқарига чиқаради; қисман сақлайди, қисман сафро косасига (ўт пуфагига) ахлат тарзида жўнатади.

Сафро косасида давомли равишда келадиған ифлосликдан тошлар ҳосил бўла бошлайди. Жигарга тўпланган қолдиқ моддалар кўпайганида вазифалари жигардаги қолдиқларни тозалаш бўлган қуртлар, микроблар ва вируслар

жигарда кўпая бошлайди. Бу жараён гепатит, цирроз, саратон ёки бошқа оғир касалликларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Давомли ҳазмсизлик ошқозонда яллиғланиш (гастрит), рефлюз, чурра (грижа) ва ярага сабаб бўлади. Бу касалликлар эса ҳазми янада қийинлаштиради.

Даволаш

Даволаш қусиш билан бошланади (“Қусиш” бўлимига қаранг.)

1-2 ҳафта давомида ҳазмсизликка қарши қуйидаги тарзда озикланиш керак:

Ҳар куни эрталаб 1-3 лимон суви бир стакан сув билан (қон гуруҳи “А” ва “АВ” бўлганлар) ёки асал билан занжабил чойи, ёки асал шарбати (қон гуруҳи “О” ва “В” бўлганлар) ичилади.

Очикқанда сабзи суви + олма суви аралашмаси ичилади ва кечгача давом эттирилади.

Кечқурун уйқудан олдин 30-50 гр саримсоқли зайтун ёғи 30-50 гр лимон суви билан ичилади. (“Дорилар” бўлимига қаранг.)

Даволаниш бошланганидан 3 кундан кейин ҳар тушликда 1 ош қошиқ янги сиқилган занжабил суви аввалига кичик ютумлар билан, кейин катта ютумлар билан ичилади.

Бу 1-2 ҳафта давомида ҳеч нарса ейилмайди.

Бу муолажа тугагандан кейин жигар тозаланади. (“Жигарни тозалаш” бўлимига қаранг.)

Қусиш

Табиий озукаланадиган соғлом киши кўп, мизожига мос келмаган, зарарли ёки ҳазм қила олмайдиган таомни қусиши. Қусиш зарарли таомдан қутулишнинг энг қисқа, хавфсиз ва таъсирли йўлидир.

Соғлом инсоннинг мушофаа тизими қусиш қобилятини умр бўйи сақлайди. Лекин мунтазам равишда табиий таомларнинг ўрнига озик-овқат саноати маҳсулотларини истеъмол қилган кишининг мизожи ўзгаради, қусиш қобилятини йўқотади ва илк ҳазмнинг (оғиз, ошқозон ва ичаклардаги ҳазмнинг) бузилишига сабаб бўлади.

Ҳазм бузилишининг кетидан жиддий касалликлар кела бошлайди. Бу ҳолатда инсон қусишга янгидан одатланиши керак.

Ошқозонда оғирлик, ҳазмсизлик, кекириш ёки жиғилдон қайнаши бўлса, қилинадиган энг тўғри иш - қусишдир. Бундай ҳолларда вақтни ўтказмасдан қусиш лозим ва қусишга Аллоҳнинг раҳмати деб қараш керак.

Қусиш учун 1-2 ош қошиқ зайтун ёғи + 200 гр илиқ сув аралашмасини ичиш етарли.

Ойда бир ёки икки марта қусиш билан ошқозон мускуллари ва безла-

ри кучаяди, сафро косаси (ўт пуфаги), жигар ва буйрақлар тозаланади ва қувватланади.

Хусусан, қон гуруҳи “А” ва “АВ” бўлганларнинг заиф ошқозонлари учун бу муолажа ўта муҳим!

Фақат тез-тез қусиш кишининг ошқозони заифлатишини ҳам унутмаслик лозим..

Қусишда қийналадиган кишилар, қон гуруҳи “О” ёки “В” бўлганлар, ошқозоннинг устига илиқ сув халтаси қўйиб, икки бармоғини оғзига тикиб қусишлари мумкин. Қуса олмаганлар 6 соатдан кейин бўшаштирувчи дори ичишлари керак.

Ич қотиши (Қабизлик)

Ич қотиши умумий

ҳазмсизликнинг симптоми бўлиб, барча касалликларни чақирадиган безовталиқдир. Соғлом киши, одатда, ҳар сафар овқат еганидан кейин катта ҳолатга боради.

Агар қунига бир марта овқатланиб юрган киши бир кунда икки марта овқат еса, аммо катта ҳолатга кунда, аввалгидек, бир марта борса - бу кишининг ичи қотганини, икки кунда бир борса - соғлиги хавф остида қолганини кўрсатади.

Бу ҳолатдан қутулиш учун аввал овқатланиш одатини ўзгартириш керак.

Ҳар таомдан 1 соат аввал бир стакан сув ичиш керак (“Сув” бўлимига қаранг.) Сув ичаклардаги қолдиқларни туширади ва ичакларни ҳаракатлантиради.

Соғлом бўлишни истаган одам еган овқатидан кейин, катта ҳолатга чиқмасдан аввал тарвуз, анжир, грейфрут, олма, узум каби ичакларни дам олдирувчи мевалар ва кўкатлардан ташқари бошқа нарса емаслиги керак. Бу қоидага умр бўйи риоя қилиш керак.

Соғлиқ учун энг тўғри ва фойдалиси - ҳолат чиқараркан, тиззалар букилган ҳолда, оёқлар устида ўтиришдир. Унитаз стулига ўтириш ич қотишга сабаб бўлгучи, воз кечилиши керак бўлган одат. Паркинсон, Мултипл Склероз (MS) каби неврологик касалликларда ич қотиши кўп юз беради.

Транкилизанлар, сийдик ҳайдовчилар, темир-кальцийни ўз ичига олган дорилар, антикислота-лар каби баъзи дориларни ишлатиш ҳам иш қотишига сабаб бўлади.

Ичакларни ишлатиш

Кўп микдорда янги мева ва янги кўкат ейиш ич қотишининг олдини олади.

Таомларнинг 60% янги ва тирик бўлишига аҳамият бериш керак.

(Давоми кейинги бетда)

КАСАЛЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ДАВОСИ

Давоми боши олдинги бетда

Фақат 40% таом пишган таом бўлиши мумкин. (Масалан, кунлик таом 1000 гр бўлса, 600 грами мева, сабзавот, кўкат, мева суви ва асал бўлиши керак. 400 грами эса таом ва нон бўлиши мумкин.)

Ҳар кун туйилган сано ёки сано аралаштирилган қоринчалардан биттасини ёки зиғир уруғи ёки магний сульфат ишлатиш керак, бу муолажа ичакларнинг ишлашини яхшилаб тартибга солгунча қилиниши лозим. Ичаклар тузалса, муолажа сонини ҳафтада 1 мартага тушириш мумкин. Муолажани умр бўйи қилиш керак бўлса, сано, зиғир уруғи ва магнезиум сульфат (инглиз тузи) ишлатилиши мумкин.

Санони қўллаш

Нормал ҳолда ейилган таом қолдиқлари 24-36 соатдан кейин ичаклардан ташқарига чиқади.

Ич қотиши муаммоси бўлса ёки ҳазм қилинган озуканинг ичакларга ўтиши секинлашган бўлса, сано фақат бўшаштирувчи восита сифатида қўлланилади. Оч қоринга ичилган санонинг бўшаштирувчи таъсири йўқ.

Майдаланган сано ёки аралашмаси куннинг охири таомидан кейин ёки таоми билан бирга ейилиши керак.

Ҳар ким санонинг ўзига мос миқдорини ўзи аниқлаши керак. Бу миқдор ҳазм бўлмаган озуканинг ташқарига чиқишига сабаб бўлмасин. У нормал ҳазм жараёнига ёмон таъсир кўрсатмасдан, фақат ичакдаги қолдиқларнинг нормал тезликда чиқишини таъминлаши керак.

Сано миқдори тўғри белгиланган тақдирда, истеъмождан 24 соат кейин муаммосиз катта ҳолатга чиқиш мумкин бўлади.


Аралаш ва меъеридан кўп таом ейилгандан кейин уларни тез ташқарига чиқариш учун сано ичганлар, ҳазм қонунларига зид ҳаракат қилиб, ҳазм тизимини ҳазм бўлмаган таомни ташқари чиқаришга зўрлаган бўладилар. Имунитет тизими, бу хатога реакция сифатида, ошқозон айнишига, қорин оғриғига, бош оғриғига, терлашга ва хатто хушини йўқотишгача олиб бориши мумкин.

Бундан ташқари, ҳазм қилинмаган таом ичаклардан тез ўтиб, ичакларнинг кимёвий тузилмасини бузади ва ичакларда яралар келтириб чиқаради.

Тўрт кундан кўп давом этган ич қотишини йўқотиш учун сано ишлатмайди!

Бу ҳолатда аввал клизма қилинади, кейин сано ёки ҳар қандай бўшаштирувчи дори ишлатилади.

Ошқозон ва ичакларда яра бўлса,



сано эмас, зиғир уруғи ишлатиш керак. Яралар ёпилиши билан, санони қўллашга ўтса бўлади.

Сано аралашмалари:

Ич қотиши ва ҳазм заифлиги учун сано ва ялпизнинг яримга ярим аралашмаси;

Ич қотиши, ичакларда газ ҳосил бўлиши ва ҳазм заифлигига 30 гр сано + 20 гр арпабодиён + 10 гр жамбул аралашмаси;

Ич қотиши ва жигар заифлиги учун тенг миқдорда сано + сачратқи барги + шувокўти аралашмаси;

Ич қотиши ва ҳазм заифлиги учун 30 гр сано + 15 гр жамбул + 15 гр ялпиз аралашмаси;

Бу аралашмалар майдаланиб ва таом устига сепилиб, кунда яримдан 1 чой қошиқгача истеъмоқ қилинади. Фақат ялпиз майдаланмасдан, эзилиб ишлатилади.

Майдаланган сано керакли миқдорда зайтун ёғи билан аралаштирилиб, ютилади. Катта ҳолатга нормал ва бемалол чиқишда жуда фойдали.

Таомдан кейин бир тутам сано баргини чайнаш ҳам шу натижани беради.

Охириги йилларда тез-тез сано ишлатишнинг “зарарлари”дан гап очилмоқда. Билъакс, сано ҳар ким учун доимо фойдали ўсимликдир. Муҳими, санонинг қандай ишлатилишини билишдир.

Зиғир уруғини қўллаш

1 ош қошиқ зиғир уруғи янги майдаланиб, озроқ асал билан аралаштирилиб, ютилади, устидан кўп сув ичилади. 1 чой қошиқ қичитқи ўти уруғи, 3-5 дона майдаланган саримсоқ 1/4 чой қошиқ занжабил кўшилса, яна-да таъсирли бўлади. Бу муолажа ичакларни ишлатиб, ич қотишининг олдини олади, шишларни кетказди, қонни тозалайди, саратондан (ракдан) асрайди, яраларни ёпади.

Ёки: 1 ош қошиқ зиғир уруғи 100 гр иссиқ ёки совуқ сув билан ара-

лаштирилади, устига мато ёпиб, 1-2 соат қўйилади. Эрталаб уйғонганда ёки кечкурун уйқудан аввал, ёки ҳам эрталаб, ҳам кечкурун, суви билан ичилади.

Огоҳлантириш:

Майдаланган зиғир уруғи туриб қолмаслиги керак! Акс ҳолда, унинг таркибидagi омега ёғ кислоталари шифо хусусиятини йўқотади.

Зиғир уруғини катта, кичик, қари, ёш – ҳуллас, ҳамма истеъмоқ қилиши мумкин.

Зиғир уруғи камида бир стакан сув билан ичилиши шарт.

Магнезиум сульфат (инглиз туз)ни қўллаш

Магнезиум сульфат чуқур табақалардан токсин ва тузларни сўриб олиб, ичаклар орқали ташқарига чиқариб ташлайди. Шишларни йўқотади, буйрақларнинг фаолиятини оsonлаштиради. Эрталаб 1 чой қошиқдан 1 ош қошиқгача магнезиум сульфат бир стакан сувга аралаштирилиб ичилса, 1-2 соатдан кейин катта ҳолат келади.

Магнезиум сульфат ичакларнинг тез ишлашини таъминлаши сабабли кечкурун таомдан кейин эмас, ҳазм тугаганидан кейин, эрталаб ичилади. Акс ҳолда, ҳазм бўлмаган таом ичаклардан тез ўтиб уларнинг кимёвий таркибини бузади.

Огоҳлантириш: қон гуруҳи “О” бўлганлар магнезиум сульфатдан қаттиқ таъсирланишади. Шу сабабдан уни фақатгина даволаниш муолажаларида ёки 2 ҳафтада бир марта ишлатишлари мумкин. “А”, “В” ва “АВ” қон гуруҳларига мансуб кишилар эса, зарурият туғилса, ҳар куни ёки ҳафтада 2-3 марта ёки ҳафтада бир марта мунтазам ишлатишлари мумкин.

Масалан, қон гуруҳи “АВ” бўлган тўғри ичакдаги бир муаммо сабабли 20 йил давомида ҳар куни инглиз тузини ишлатган бир кекса одам бор эди. Унинг қони, тўқималари ва аъзолари бу китобда кўрсатилган даволанишни 3 йил давомида қўллаган кишиларникидек тоза эди.

ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Қамолитдин Йўлдош